

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МАРКШЕЙДЕРЛИК ИШИ”
йўналиши**

**“КОНЧИЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648 сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди

Тузувчи: т.ф.н., проф. Саййидқосимов С.С

Тақризчи: т.ф.н. доцент И.Иногамов

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, фойдаланишга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	58
V. ГЛОССАРИЙ	86
VI. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР	91

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули, кончилик хуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари. кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солишнинг умумий масалалари ва ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларни хуқуқий тартибга солишбўйича ривожланган хориж давлатларининг тажрибалари.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг **мақсади** – **Маркшайдерлик** иши йуналиши буйича тингловчиларга маркшайдерлик ишида қўлланилаётган замонавий ўқитиши методикаси, кон геометрияси ва квалиметрияси билан таништириш ҳамда уларнинг имкониятлари камчилик ва ютуқларини ёритишдан иборат.

Модулнинг **вазифаси** – Маркшайдерлик иши йуналиши фанларини ўқитишида замонавий ўқитиши методларидан ва инновацион технологиялардан

фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва бу борада билимларини такомиллаштириш иборат.

Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари.

Кутилаётган натижалар: Маркшайдерлик иши йўналиши “Кончилик ҳуқуқи асослари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

Тингловчи:

- ер қаъридан оқилона фойдаланиш ҳак-ҳуқуқларини;
- ер қаъридан оқилона фойдаланишда талабгорнинг ҳуқуқлари ва лицензияларини;
- ер қаъридан оқилона ва комплекс фойдаланишда, уни қўриқлашда қўйиладиган талабларни;
- ер қаъридан оқилона ва комплекс фойдаланишда хавфсизлик чораларини;
- ер қаъридан оқилона фойдаланишда мавжуд асосий тўлов турларини;
- ер қаъридан оқилона фойдаланиш давомида мавжуд коидаларни бузилганлик ҳолатларида жорий этилган жазо турлари ҳақидаги **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- "Кончилик ҳуқуқи" модулининг ер каъри ресурсларидан фойдаланиш ва ер ости бойликларини муҳофазалашга оид муносабатларни ҳуқуқий бошқариш;
- ер ости бойликларини казиб олиш ҳуқуқини лицензиялаш давлат тизимини таҳлил қилиш;
- ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳукуқ ва мажбуриятларидан фойдаланиш;
- ер ости бойликлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишларни бехатар олиб боришга қўйилган асосий талабларни таҳлил қилиш;

- ер ости бойликларидан фойдаланиш турлари ва тўлов усулларидан фойдаланиш **кўникмаларга** эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳукуқ ва мажбуриятлари;

•ер ости бойликлардан окилона фойдаланиш ва муҳофаза килиш, улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишларни бехатар олиб боришга қўйилган асосий талаблар бўйича **малакаларига** эга буладилар.

Тингловчи:

• Конни ишлатишнинг кон–техниковий, гидрогеологик, экологик, ва бошқа шарт–шароитлари, коннинг геологик- иқдисодий баҳолангандигин таҳлил қилиш.

- **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

Модулниниг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғликлиги ва узвийлиги

“Кончили ҳукуқи асослари” модули ўқув режадаги “Маркшайдерлик ахборот технологиялари” ва “Электрон-оптик ва навигацион маркшайдерлик асбоблар” бошқа фанлар билан узвий боғлик. Бу ўқув режадаги мавзулар юқорида қайд этилган фанларнинг мантиқий давоми бўлиб, бошқа мутахассислик фанларини ўзлаштириш учун зарур хисобланади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Республикадаги таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини, педагог – кадрларнинг ахборот технологиялари ва мутахассис фанларни янада яхши ўзлаштириш Кончилик иши соҳасида таълим берадётган, малака ошираётган профессор ўқитувчилар макаласини мустахкамлашга каратилган.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назай	Амалий	Машғулот
Кўчма					
1.	Ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули	8	2	2	4
2.	Кончилик хуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари	4	2	2	
3.	Кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солишнинг умумий масалалари	4	2	2	
4.	Ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларни хуқуқий тартибга солиш	4	2	2	
	Жами:	22	8	8	4

НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

1–мавзу: Ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули.

Ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамоиллари. Кончилик хуқуқи манбалари. Хуқуқ тармоғининг номланиши.

2 – мавзу: Кончилик хуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари.

Кончилик хуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари. Давлат хуқуқи. Маъмурий хуқуқ. Молиявий хуқуқ. Фуқоролик хуқуқи. Жиноий хуқуқ. Ер хуқуқи. Экологик хуқуқ. Халқоро хуқуқ. Кончилик хуқуқининг фан сифатидаги ўрни. Ер ости бойликларидан фойдаланиш муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш.

3- мавзу: Кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солишнинг умумий масалалари.

Бозор иктисодиёти шароитида давлат томонидан тартибга солиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик

муносабатлари соҳасидаги ваколатлари. Саноатда ва кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг ваколатлари.

4- мавзу: Ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Ер қаъри ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш. Ер қаъридан фойдаланиш турлари билан боғлиқ бўлган тўловлар. Махсулотнинг тақсимоти тўғрисидаги келишув шароитида ер қаъридан фойдаланиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1–амалий машғулот: Ер қаъридан фойдаланиш турлари.

Ер қаъридан фойдаланиш бу унинг ресурсларини топиш, фойдаланиш, тиклаш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг тури билан танишиш.

2– амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунларининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофазалашга доир бандларини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикаси метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунларининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофазалашга доир бандларини ўрганиш.

3– амалий машғулот: Ўзбекистон Республикасида ер қаъридан фойдаланиш муносабатларини қонуний тартибга солинишига оид талаб ва қоидаларини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасида ер қаъридан фойдаланиш муносабатларини қонуний тартибга солинишига оид талаб ва қоидаларини ўрганиш.

4 амалий машғулот: Ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларининг атроф-муҳитга экологик салбий таъсирининг экологик-ҳуқуқий нормаларини ўрганиш.

Ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларининг атроф-муҳитга экологик салбий таъсирининг экологик-хуқуқий нормаларини ўрганиш

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мавзу: Ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули

Кўчма машғулотларни «ОКМК » АЖ ташкилотига олиб борилиши кўзда тутилган.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмунни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қўйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурӯҳли (кичик гурӯҳларда, жуфтлиқда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гурӯҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гурӯҳларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурӯҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиши методига кўра гурӯҳни кичик гурӯҳларга, жуфтликларга ва гурӯҳларора шаклга бўлиш мумкин.

Бир турдаги гурӯҳли иш ўқув гурӯҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.

Табақалашган гурӯҳли иш гурӯҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Венн диаграмма” методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишигандан айланадиган тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан групкаларни таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшигилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишигандаги ёзадилар.

Намуна: Инсониятнинг Ер ости бойликларини забт этиш йўлидаги фоалияти



“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниqlаш
2-босқич: Кейсни аниqlаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниqlаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш

излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Ички ёнувдвигателлари учун қўлланила бошланган баъзи алтернатив ёнилғилар мотор ўт олиши ва аланганинг тарқалишига салбий таъсир қилмоқда ҳамда заарли моддалар ва заррачалар чиқишини кўпайтирмоқда.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Заарли моддалар ва заррачалар ажralиб чиқишини камайтириш тадбирлари вариантларини муҳокама қилинг (жуфтликлардаги иш).

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Гурух баҳоси	Гурух хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Таъминлаш тизимининг
		6			Ўзбекистон Республикаси метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунларининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш
		5			Ўзбекистон Республикасида ер қаъридан фойдаланиш

					муносабатларини қонуний тартибга солинишига оид талаб ва қоидаларини ўрганиш
		3			Ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларининг атроф-муҳитга экологик салбий таъсириниң экологик-хуқуқий нормаларини ўрганиш
		1			Ер қаридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини таъминлаш. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш
		2			Ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули
		4			Кончилик хуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-маруза: Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш усули.

Режа:

1. Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамойиллари.
2. Кончилик хуқуқи манбалари.
3. Хуқуқ тармоғининг номланиши.

Таянч сўз ва иборалар: Кончилик хуқуқи, тобелик тамойили, бўлишишлик тамойили, тенгликлек тамойили, ер ости бойликлари.

1.1. Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамойиллари.

Жамиятдаги хуқуқий муносабатларни тартибга келтириш муаммоси борлиги ҳанузгача тортишувларга сабаб бўлмоқда. Ер ости бойликларидан фойдаланишни хуқуқий тартиблашга келсак хуқуқнинг мустақил соҳаси доирасида бутунлай кўрилмаган. Шундай усулни алоҳида амалиётда қўллашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки ер ости бойлигидан фойдаланишдаги замонавий муносабатларни тартиблаш усули бир томондан, ер ости бойлигининг фойдали хоссаларини ўзлаштириш жараёнида тадбиркорликнинг фаолияти субъектига кутилган иқдисодий натижага эришишни таъминлаш шарти бўлса, иккинчидан, фойдаланиш учун берилган ер ости бойлиги участкаси ёки Давлат ер ости бойлиги жамғармасининг эгаси бўлмиш Давлат ўз манфаати ҳимоясини таъминлаши керак. Бундан ташқари тартиблаш усули инсон фаолиятининг тирикчилик базаси (бўлган) ва бир вақтнинг ўзида табиий ресурс ҳисобланган Ер ости бойлигининг ҳусусиятини инобатга олишлиги мақсадга мувафиқ бўлади. Ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни хуқуқий тартибга

солишининг мазмунини аниқлаш ва уни таснифлашда қуйдаги (талаабларни) шароитларни иноабтга олиш керак бўлади:

- Усул ҳуқуқий тартибланишнинг предмети, табиати ва тавсифига мос бўлиши шарт;
- Усул мазкур тармоқнинг ҳуқуқий манбалари олдида турган масалаларни ечишга кўмаклашиши зарур.

Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш усули қуйдаги тамойилларга асосланган:

- Тобелик, бўлишишлик, тенглик, келишишлик, чеклашлик

Тобелик тамойили – бу ер ости бойлигини Давлат мулки сифатидаги муносабатларни тартибга келтириш учун қўлланилади ва асосан, Ер ости бойлиги Давлат жамғармасига эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш билан боғлик. Давлат биринчидан ушбу тамойилни ҳуқуқий меъёрларда қўллаш орқали ер ости бойлиги жамғармасини бошқариш тизими ва ваколат доирасини, иккинчидан, ер ости бойлигидан фойдаланиш тартиби, ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва масъулиятини белгилаб беради.

Бўлишишлик тамойили – Давлат мулки ҳисобланган ер ости бойлигининг турларини белгилаб олишда қўлланилади:

Давлат ҳуқуқий меъёрларда бўлишиш тамойилини қўллаш орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- Республика ва унинг жойларидаги субъектлар (вилоят, туман, Қароқолпагистон Республикаси) орасида ер ости бойлиги – Давлат мулкини қаерга қанча тегишлилигини белгилаб олади.
- Ер ости бойлигининг алоҳида қисмига Давлат (Ўзбекистон Республикаси) га тегишлик объект мақомини бериш, уларни фақат давлат органлари ёки давлат бошқарув органлари вакиллиги ихтиёридаги объектлар қаторига киритади.
- Республика миқёсида фойдали қазилма конларини захира жамғармасини ташкил этади.

Тенгликлек тамойили – ер ости бойлигидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш тартибини белгилашда қўлланилади. Давлат ер ости бойлигидан фойдаланишдаги ҳуқуқий меъёрларда бу тамойилни фойдаланувчи субъектлар учун қонунчилик тартибида конкурс (танлов) ёки аукцион орқали лицензия олишликларида тенг ҳуқуқий шароит яратади.

Келишишлик тамойили – кон ажратмаси ёки ер ажратмасининг чегараларини белшилашда қўлланилади. Давлат ҳуқуқий меъёрларда келишишлик тамойилини қўллаш орқали кон ажратмасининг вақтинчалик ва аниқланган чегараларини белгилашнинг келишишлик тартибини ва кончилик корхонасини қуриш ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер ажратмаси чегараларини белгилаш тартибини ўрнатади.

Чеклашлик тамойили – Ер ости бойлигидан фойдаланувчиларнинг мажбурият ва масъулиятларини аниқлашда қўлланилади. Давлат ҳуқуқий меъёрларида бу таймоилни қўллаш орқали ер ости бойлигидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда бу талабларга риоя қилинганда жавобгарлик асосларини белгиловчи талабларни ўрнатади.

Келтирилган тамойиллар ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекс усули асосини ташкил этади ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида қўлланиладиган усуллардан кескин фарқ қиласди.

1.2. Кончилик ҳуқуқи манбалари

Кончилик ҳуқуқи манбаалари – бу меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, ер ости бойлигидан фойдаланишдаги мавжуд бўлган барча талабларни ўз ичига олади. Бу ҳужжатлар белгиланган тартибда ва мазмунда Давлат органлари тамонидан берилган ваколат доирасида Давлат идоралари тамонидан қабул қилинган. Қонун назариясида ҳуқуқий манбаларнинг бир қатор таснифлари мавжуд. Кончилик ҳуқуқи учун юридик кучга асосланган кончилик ҳуқуқий манбалари таснифи муҳимроқ ҳисобланади.

Юридик мақоми (кучи) бўйича кончиликнинг хуқуқий манбаалари Қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларга бўлинади.

Масалан “Ўзбекистон Республикаси Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонуни ва бошқа қонунлар. “ Ер ости бойлигидан фойдаланишни лицензиялаш тартиби ҳақида” ги Низом – булар қонун ҳужжатлари бўлади.

Қонун ости меъёрий ҳужжатлари – бу қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида хукумат ва бошқа ваколатли Давлат идораси тамонидан қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тамонидан тасдиқланган (рўйхатдан ўтказилган) меъёрий – хуқуқий ҳужжатлардир.

Қонунчилик тармоқларининг классификаторида “Ер ости бойлиги ҳақида” ги қонунчилик мустақил тармоқ сифатида ажратилган.

Тармоқ классификатори қўйдаги бўлимлардан иборат:

- Ер ости бойлигидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг умумий масалалари;
- Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазасини бошқариш ҳамда назорат қилиш;
- Ерт ости бойликлари Давлат жамғармаси, фойдали қазилма конлари ва улар намаён бўлган жойларнинг Давлат кадастри;
- Ер ости бойликлари мулкчилиги,
- Ер ости бойлигидан фойдаланиш,
- Ер ости бойлигидан фойдаланиш турлари, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий хуқуқ ва мажбуриятлари, ер ости бойликларидан фойдаланувчилар учун тўловлар, Ер ости бойлигидан фойдаланишга ўтказиладиган танлов ва аукционлар.
- Ер ости бойлиги муҳофазаси,
- Фойдали қазилма конлари захирасининг Давлат экспертизаси.
- Ер ости бойлиги ҳақидаги қонунчиликни бузганлик масъулияти.

Демак, Ер ости бойлигидан фойдаланишни ҳуқуқий тартиблашда ҳуқуқнинг мустақил тармоғини белгиловчи тўртта шартнинг барчаси бажарилганлигини классификаторда кўриш мумкун.

1.3. Ҳуқуқ тармоғининг номланиши

Ер ости бойлигидан фойдаланишнинг жамоавий муносабатларини тартибга солиш билан боғлик бўлган ҳуқуқ мөърининг алоҳида мажмуи номини танлашда тўғри талқин аппаратини шакллантиришнинг таркиб топган амалиётини қўллаб, шу номни ташкил этувчи унсурларнинг оптимал брикмасини топиш (қўллаш) зарур бўлади.

Ер ости бойлигидан фойдаланишнинг барча турларида ягона қоида асосида амалга ошириладиган кончилик ишлари бажаради. Ер ости бойлигидан фойдаланиш билан боғлик бўлган барча муносаботлар қонун билан тартибланган тақдирда ҳам кончилик идораларининг назоратига тушади ва нихоятда “кончилик” атамаси қонунчилик технологияси нуқтаи назаридан қўллашга жуда ҳам қулай, чунки қонунчиликга ном беришда ҳам, шу қонунчилик билан тартибга солинадиган жамоавий муносабатлар гурухини номлашда ҳам, бир хил аниқликда қўлланилаверади. Масалан “Кончилик қонунчиликги” ёки “Кончилик муносабатлари”. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки:

- 1) ер қаъридан фойдаланишнинг баязи бир турлари кончилик ишлари билан бевосита боғлик эмас;
- 2) ҳуқуқ тармоғи ва кончилик тармоғи булар икки хил тушунча бўлиб, ҳуқуқ тармоғини номлагандага “Кончилик” сўзидан (атамасидан) фойдаланиш унчалик мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Маълумки, ҳуқуқ тизимининг асосий унсури – бу ҳуқуқ тармоғидир. У аниқ турдаги хилма – хил жамоавий муносабатларини тартибга солади. Шунинг учун ҳам ерт ости бойлигидан фойдаланиш билан боғлик бўлган муносабатларни тартибловчи мөърлар мажмуини ҳуқуқ тармоғи деб номлашга барча асос бор. Энди тармоқнинг номланишига келсак бунда икки хил вариант мавжуд:

1) – ер қаъридан фойдаланишнинг ҳуқуқий режими.

2) – кончилик ҳуқуқи.

Биринчи ном - асл моҳиятни белгилайди, иккинчиси эса қулай ва соҳадаги асосий муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун “Ер ости бойлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунида Ер қаъридан фойдаланишдаги ва уни мухофаза қилишдаги жамоавий муносабатлар “кончилик муносабатлари” – атамаси билан номланган.

Таъкидлардан келиб чиқиб, ушбу ҳуқуқ тармоғини “кончилик ҳуқуқи” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, кончилик ҳуқуқи деганда биз (шартли равишда) Ер қаърини ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни жамиятдаги муносабатларини тартибловчи, Давлат тамонидан ўрнатилган ҳуқуқий меъёрни тушунамиз.

Жамиятни ер қаъри билан бўлган ўзоро таъсир доирасидаги жамоавий муносабатлари кончилик ҳуқуқи предметини ташкил этади. Ушбу муносабатлар Ер ости бойлиги ресурсларини мухофазаси, қайта ишлаб чиқариши, фойдаланилишига ва ўрганилишига алоқадар бўлган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Жамиятда кенг қўлланилмайдиган маълум ҳуқуқ тармоқларининг бирортаси ҳам ўз предмети сифатида келтирилган муносабатларга ўхшаш муносабатларни қамраб олмаган ва уларни тартибга солишнинг керакли услуби билан қуролланмаган.

Ер ости бойлигидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар субъектига қўйдагилар киради.

- Ўзбекистон ҳукумати ер ости бойлиги давлат жамғармасидан фойдаланиш, эгалик қилиш, бошқариш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.
- Маҳаллий хокимият идоралари – ўз ваколатлари доирасида маълум микдорда ер ости бойлигидан фойдаланишни тартиблайди.
- Тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлган субъектлар (мулкчилик шаклидан қаътий назар), ва бошқа давлатларнинг фуқоролари ер

қаъри ва унинг ресурслари ер ости бойлигидан фойдаланиш муносабатларининг объекти ҳисобланади.

Кончилик ҳуқуқи тармоғининг таркибини кончилик ҳуқуқининг кичик тармоқлари кончилик ҳуқуқи (идоралари) институтлари ва кончилик ҳуқуқи меъёрлари ташкил этади.

Кончилик ҳуқуқининг тагтармоқлари – ер ости бойлигидан фойдаланишнинг бирор бир (конкрет муайян, аниқ) турини тартибовчи, бир – бирига яқин фаолият юритувчи кончилик ҳуқуқи институтлари (идоралари) гурухи

Кончилик ҳуқуқи тармоғи таркибида қўйдаги қўшимча тармоқлар (мавжуд) ажратилган:

- Ер қаърини геологик жихатдан ўрганишда содир бўладиган жамоавий муносаботларни тартибга соловчи ҳуқуқий қўшимча тармоғи.
- Фойдали қазилма конларини қазиб олиш жараёнида содир бўладиган жамоавий муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқнинг қўшимча тармоғи.
- Фойдали қазилма конларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоатларини қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида содир бўладиган жамоавий муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқнинг қўшимча тармоғи.
- Кончилик ҳуқуқи институтлари (идоралари) – ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларнинг мустақил қисмини тартибга соловчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.
- Кончилик ҳуқуқи институти ўз ичига қўйдагиларни олади: - Ер ости бойлигига Давлат мулкчилик мақомини тартибга соловчи меъёрлар гурухи.
 - Ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни Давлат тамонидан бошқарилиши;
 - Ер ости бойлигидан фойдаланишнинг лицензиялаш тартиби;
 - Ер ости бойлигидан фойдаланганлик учун тўловни амалга оширилиши;
 - Ер ости бойлигидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиниши.

Кончилик ҳуқуқининг ҳуқуқ мөйрлари – кончилик ҳуқуқининг бирламчи унсури. У умумий тафсифга эга бўлган мажбурий қоидаларни Давлат тамонидан санкциялашни (қўллаш учун розилик беришни) тартибга солади.

Кончилик ҳуқуки мөйрлари (нормалари) Ер ости бойлигидан фойдаланувчи субъектларни ундан хўжалик, маданият ва фан мақсадларида фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниqlаб беради.

Давлат ер ости бойлиги Давлат жамгармасининг мулкдори сифатида Кончилик ҳуқуки мөйрлари орқали бутун давлат миқиёсида ер ости бойлигидан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаб беради ва натижада жамиятнинг бугунги ва эртанги авлодларининг манфаатларини инобатга олган ҳолда ер ости бойлигидан тўлиқ ва комплекс фойдаланишни таъминлайди.

Ҳуқуқ мөйрларини баъзи бир ҳолларда бажариш учун Давлат мажбур этиш таъмоилидан фойдаланади. Ҳуқуқ мөйрларини бузганлик учун Давлатнинг вакалотли органлари тамонидан бузгунчиликларги нисбатан юридик талабларни (жазо) қўллаш кўзда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасини “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунида (52 – модда) ушбу қонунни бузган шахсларга нисбатан жиноий ёки маъмурий жазо қўллаш кўзда тутилган.

Назорат саволлари

1. Инсониятнинг ер ости бойликларини эгаллаш билан боғлиқ бўлган фаолиятининг асосий меъзонлари нималар?
2. Кончилик ҳуқуки қайси ҳуқуқ тармоқлари билан ўзоро муносабати шаклланган?
3. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 14– моддасида нима дейилган?
4. Кончилик ҳуқуки манбаларини санаб беринг?
5. Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамойиллари.
6. Кончилик ҳуқуки манбалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституция. Расмий нашр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун. 2002.
3. Певзнер М.Е. Горное право.- М.: МГГУ, 2002.
4. Рахимов В.Р., Шерфединов Л.З. Горное право (Правовой порядок недропользования). Ташкент: ТГТУ, 2007.
5. Рахимов В.Р., Саййидқосимов С.С. Кончилик ҳуқуқи, ўқув қўлланма (Эл.в.), ТашДТУ, 2007 й.

2-марзуа: Кончилик ҳуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари.

Режа:

1. Кончилик ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзоро муносабати.
2. Кончилик ҳуқуқининг фан сифатидаги ўрни.
3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш.

Таянч сўз ва иборалар: Давлат ҳуқуқи, кончилик ҳуқуқи, молиявий ҳуқуқ жиноий ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, фуқоролик ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, ҳалқоро ҳуқуқ

2.1. Кончилик ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзоро муносабати.

Кончилик ҳуқуқи асосан 3 йўналишда ўрганилади:

- 1) тармоқ ҳуқуқи сифатида; 2) фан сифатида; 3) ўқув предмети сифатида.

Кончилик ҳуқуқини ҳуқуқ тармоғи сифатида ўрганишда асосий эътибор ер ости бойликлари ҳақидаги қонунчиликка, унинг ҳуқуқий институтларини ривожланишига, ҳуқуқий меъёрларнинг такомиллаштиришга ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқларига қаратилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича ҳуқуқ тизими – бу мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият ҳаётининг қонуниятларини меъёрий шаклда мустаҳкамлайди ва тасвирлайди.



1 – чизма. Кончилик ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро муносабати.

Ҳуқуқ тизими доимий ривожланиб боришига қарамай, давлатчиликда амал қилинаётган ҳуқуқий меъёрларнинг ягоналиги ва мувофиқлигини сақлаб қолади. Кончилик ҳуқуқи ҳуқуқнинг янги тармоғи бўлсада, у бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро муносабатда ва улар билан бирга ўзаро харакатда бўлади. (3.1-чизма). Кончилик ҳуқуқида бошқа тармоқ ҳуқуқларининг меъёрлари ҳам ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда қўлланилади. Ҳуқуқшуносликад бу масалалар ҳам чуқур ўрганилганлиги сабабли уларга батафсил тўхталамиз.

Давлат ҳуқуқи – ҳуқуқнинг бу тармоғи мамлакатда давлат ва жамият тузуми ва қурилиши асосларининг мустаҳкамловчи, фуқороларнинг асосий ҳуқуқи, мажбурияти ва эркинлигини таъминловчи, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимиятлар идораларини ташкил этиш ва ваколатларни белгиловчи меъёрларни бирлаштиради.

Кончилик ҳуқуқи давлат ҳуқуқи меъёрларидан ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартибга солиш доирасида давлат идоралари билан маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни белгилаб (ажратиб) олишда фойдаланилади.

Маъмурый ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи давлат бошқарувидаги, биринчи навбатда, ҳукуматнинг фаолиятидаги ва унинг ижроия органлари ва объектлари фаолиятидаги, шунинг билан бирга маъмурый жавобгарликни балгилашдаги муносабатларни тартибга солади.

Кончилик ҳуқуқи маъмурый ҳуқуқ меъёрларидан қўйдаги ҳолатларда:

- Ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни тартибга солища маҳаллий ҳокимият идораларининг таркиби, вазифаси, ҳуқуқи ва мажбуриятларини аниклашда фойдаланади;
- Ер ости бойлиги ҳақидаги қонунчиликни бузганда жавобгарликни белгилашда фойдаланади;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганда антимонополияга оид талабаларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро қилишда фойдаланади.

Молиявий ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи молиявий фаолият доирасида жамиятдаги муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқлар мажмуасини тақдим этади.

Алоҳида ҳуқуқий меъёрлар комплекси (ҳуқуқий институт) ёрдамида мажбурий тўлов ва солиқлар ҳамда уларни ундириш тартибини ўрнатиши молиявий ҳуқуқнинг мухум қисми ҳисобланади. Кончилик ҳуқуқи молиявий ҳуқуқ меъёрларидан ер ости бойлигидан фойдаланилгани учун тўловларни ундиришни таъминлашда фойдаланади.

Фуқоролик ҳуқуқи - Ҳуқуқнинг бу тармоғи тамонларнинг юридик тенглиги асосида ҳар хил мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Маълумки ер ости бойлигидан фойдаланишнинг турларидан бири бу фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоатларини қуриш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу иншоатларни ўрнидан қўзгатишни иложиси йўқ. (фуқаролик кодекси , 1 қисм) ва уларнинг фойдали хоссалари ер ости фазосида жойлашганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексинииг (49-моддасига) биноан юридик шахс фаолиятининг алоҳида тури билан фақатгина лицензия асосида шуғулланиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, кончилик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи меъёрларидан ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш ва қайта расмийлаштиришни тартибга солишда фойдаланади. Фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари “Маҳсулотларни тақсимлашни келишиш ҳақи” даги “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, ер ости бойлигидан фойдаланганда етказилган заарни қоплашга бағишлиланган “Ер ости бойлиги тўғрисида” ги қонун бандида бу ҳақда кўрсатиб ўтилган.

Жиноий ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи жамият учун ҳавфли бўлган ҳаракатлар доирасини белгилаб берувчи меъёрлар тўплами (комплекси) дан иборат бўлиб, улар ёрдамида содир этилган жиноятлар учун жазо тури ва муддати белгиланади, агарда мазкур ҳавфли ҳаракат жиноят деб баҳоланса, ёки жиноят жавобгарлигидан озод этилади, агар у жиноий ҳаракат бўлмаса.

Кончилик ҳуқуқи жиноий ҳуқуқ меъёрларидан “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунни бузганлиги учун жиноий жавобгарликни тартибга солишда фойдаланади.

Ер ҳуқуқи - Ҳуқуқнинг бу тармоғи давлат мулки ёки хусусий шахс эгалигидаги ер ресурсларини бошқариш, фойдаланиш ва уларни муҳофаза

қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади. Кончилик хуқуқи Ер хуқуқидан қуидаги ҳолаттарни тартиблашда фойдаланада:

- Фойдалай қазилма жойлашган майдонлардан фойдаланиш шартларини белгилашда;
- Майший мақсадларда қазиладиган қудук ва бурғиқудуқларни ўрнатиш ва улардан шахсий мақсадда фойдаланиш, Ер ости иншоатларини қуриш, кенг тарқалган (қурилиш материаллари) фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер участкаларини ажратишда;
- Ер ости бойлигидан фойдаланганда ер ресурсларини муҳофаза қилишда.

Экологик хуқуқ - Хуқуқнинг бу тармоғи табиат ва жамиатдаги ўзаро ҳаракатлар доирасидаги муносабатларни тартибга соладиган хуқуқий муносабатлар ва меъёрлар мажмуидан иборат. Кончилик хуқуқида экологик хуқуқ меъёрлари қуидаги ҳолатларни тартибга солишида фойдаланилади:

- Ер қаъри участкаларидан фойдаланганда муҳофазани таъминлаш мақсадида чеклаш шартларини белгилашни тартибга солиш;
- Ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни олиб боришда уларнинг атроф мухит учун заарли таъсиридан огоҳ ва бартараф этиш мақсадларида давлат назоратини тартибга солиш.

Ҳалқоро хуқуқ - Хуқуқнинг бу тармоғи хорижий тамоиллардаги мулк, хорижлик жисмоний ва юридик шахслар иштирокидаги хуқуқий фуқоролик муносабатлар (ҳалқоро шахсий хуқуқ), Давлатлараро муносабатлар (ошкора ҳалқаро хуқуқ) ни тартибга солувчи меъёрлар мажмуини ўзида мужассам этади. Ҳалқаро хуқуқ меъёрлари конвенция, далолатнома, ҳалқаро ташкилотларнинг низомлари, ҳалқаро шартнома ва русумларда ўз ифодасини топади. Кончилик хуқуқида ҳалқаро хуқуқ меъёрлари:

- Ер ости бойлигидан фойдаланиш шартларини контенентал шелиф ва уммон тубининг ҳалқаро худудларида тартибга солишда;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларда қабул қилинган хуқуқ “Ер ости бойлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига


нисбатан устуворлилигини белгилаб олишда фойдаланилади. Тъкидлаш лозимки, Ўзбекистонни ҳалқаро хамжамиятга интеграллашуви Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойлиликлари тўғрисида” ги қонунни хорижий давлатларнинг худди шундай қонунчилик талабларига яқинлашувини тоқозо этади. Шунинг учун ҳам тараққий этган капиталистик давлатлардаги ер ости бойлигидан фойдаланишни тартибга солишда ҳуқуқий нормаларини ўрганиш кончилик ҳуқуқини тормоқ ҳуқуки сифатидаги асосий вазифаси ҳисобланади.

2.2. Кончилик ҳуқуқининг фан сифатидаги ўрни.

Назарий муаммоларнинг энг муҳими бу ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларнинг ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни чуқуқлаштиришdir ҳамда ҳуқуқнинг мустақил тармоғи доирасида ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш услубини такомиллаштиришdir.

Ҳар қандай фан, ўз – ўзидан олганда, ёпик тафсифга эга бўлган ғоя ва тушунчаларнинг концептуал тизимидан иборат. Шунинг билан бирга бизнинг замонимиз янги фан ва фан йўналишларининг пайдা бўлиши, ривожланиши ва ташкил топиши балан тафсифланади. Уларнинг пайдо бўлишлиги илмий билимлар даражаси ва услубий татқиқотларнинг ишланганлиги, авваллари бир биридан узоқ туюлган жамоавий муносабатлар, жараён ва воқеаларнинг фундаментал умумийлиги (бирлигини) кашф этиши билан боғлиқ. Шунинг учун бизнинг фикримизча кончилик ҳуқуқини фан сифатида ўрганишда уни билимнинг бошқа соҳалари билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтиш принципиал муҳим масала. Бу ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни тартибга келтиришда ҳуқуқий меъёрларнинг илмий асосланганлигини аниқлаш учун катта қийматга эга.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кончилик ҳуқуқи меъёри ва институтларини (коидаларини) ишлаб чиқиш учун ва уларни ҳар хил кўринишда амалиётда кўллаш учун кончилик ҳуқуқи кончилик фанлари, геология, иқдисодиёт, экология ва бошқа фанларни мавжуд салоҳиятидан фойдаланилади (3.2 – чизма).



**2 – чизма. Кончилик хуқуқининг бошқа фанлар билан ўзоро
муносабати.**

Кончилик хуқуқи билан кончилик соҳасидаги фанлар орасидаги алоқа шударажада яқинки, ҳатто уни кончилик фанлари таркибиға киритиш ҳаракатлари мавжуд. Тәькидлаш лозимки, ҳозирги замон шароитида кончилик фанларининг моҳиятини аниқлашда янгича ёндашиш шаклланмоқда. Жумладан, кончилик фанлари бу ер ости бойлиги ресурсларини ўрганиш, муҳофаза қилиш, қайта

тиклаш ва улардан фойдаланиш усул ва воситалар шароити хақидаги назарий билимлар мажмуи (тизими) сифатида кўрилмоқда.

Кончилик фанлари ва кончилик ҳуқуқи ўртасидаги ўзоро боғлиқлик қуидагиларда яққол намоён бўлмоқда:

Биринчидан, ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларнинг ўзига хослиги кончилик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинувчи мустақил предмет бўлиб, кончилик фанлари тамонидан ҳам батафсил ўрганилади.

Иккинчидан, кончилик ҳуқуқи кончилик фанларининг бир қатор ютуқларидан фойдаланади. Жумладан:

- Ер ости бойликлари ресурсларининг илмий таснифланиши Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида“ ги қонунининг “Ер ости бойликлари мулкчилиги” бандида ўз ифодасини топган;
- Ер ости бойлигидан фойдаланишда тоғ жинслари массивидаги геомеханик жараёнларни бошқаришнинг илмий асослари “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кончилик ишларининг ҳавфсизлигини таъминлаш буйича асосий талаблар” га оид бандини шаклантиришда қулланилган;
- Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунининг “Ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофалаш” банди шу масала юзасидан шаклланган илмий асосли талаблар тизимига таяниб ишлаб чиқилган.
- Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунидаги “Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” (32-модда) ва “Ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни бехатар олиб боришнинг талаблари” каби моддаларида ҳуқукий меъёрларни ишлаб чиқиқсанда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш ҳамда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлган кончилик

иншоотларининг техник ва экологик хавсизлигига бўлган илмий асосланган талаблар тизимидан фойдаланилган.

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлик бўлмаган ер ости иншоотлари ва фойдали қазилмаларни қазиб оловчи корҳоналарни тугатиш ва тўхтатиш ҳақида” ги бандида шу масалаларга бағишлиланган илмий асосланган талаблар тизими ўз ифодасини топган.

3.2 – чизмада келтирилган бошқа фанларнинг кончилик ҳуқуқи фанининг меъёри ва институтларига таъсири унчалик катта эмас. Шундай бўлсада геология фанининг қўйдаги ютуқларидан кончилик ҳуқуқида фойдаланилган:

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Ер ости бойликларини Давлат тамонидан геологик ўрганиш” бандидаги ҳуқуқий нормаларини асослашда Ер ости бойликларини геологик ўрганишнинг назария ва услубларидан фойдаланилган.

•Океан ва денгизлар тубининг рельефи ҳақидаги илмий хulosалар БМТнинг 1982 йилда қабул қилинган “Денгиз ҳуқуқи ҳақида” ги Конвенциясида ўз ифодасини топган.

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқук ва мажбуриятлари” ва “Ер ости бойлигидан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишларни ҳавфсиз олиб боришнинг асосий талаблари” каби моддаларида келтирилган ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишида ер ости бойлигини геологик ўрганишдаги ишларни олиб боришнинг илмий асосланган талаблар тизимидан фойдаланилган.

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Фойдали қазилмалар заҳирасининг давлат баланси ва конларни намоёни ва конларнинг давлат кадастирини юргизиш”, “Фойдали қазилмалар заҳирасининг Давлат баланси”, “Конлар ва улар намоёнининг давлат кадастри”, “Ер ости бойлиги ҳақида геологик маълумотлар” каби моддаларни ҳуқуқий

нормаларини ишлаб чиқища, ер ости бойлигидан фойдаланишнинг геологик маълумотлар таъминоти билан боғлиқ назария ва услублардан фойдаланилган;

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Фойдали қазилма захираларини Давлат экспертизаси” бандидаги хуқуқий меъёрларни ишлаб чиқища фойдали қазилма конларининг захирасини ҳисоблаш учун илмий асосланган талаблар тизими қўлланилган;

•Геологик заказник ва қўриқхоналар сифатида фойдаланадиган ер ости участкаларининг илмий ва маданий қадриятини аниқлашда илмий асосланган усуллар қўлланилади. Ана шу усуллардан “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Илмий ва маданий қийматга эга бўлган ер ости бойлиги участкаларини муҳофазалаш” бандининг хуқуқий меърини ишлаб чиқища фойдаланилган.

Иқтисодиёт билан кончилик хуқуқининг боғлиқлиги геоэкономиканинг қуидаги ютуқларидан кончилик хуқуқида фойдаланилганликда намаён бўлади:

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Фойдали қазилмаларнинг геологик-иктисодий баҳолаш” бандининг хуқуқий меъёрларини ишлаб чиқища фойдали қазилма конларини иқтисодий-геологик баҳолашнинг назарияси ва услублари ўз ифодасини топган.

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Ер ости бойликларидан фойдаланилганлиги учун туловлар” бандининг хуқуқий меъёрларини ишлаб чиқища кон рентаси назариясидан фойдаланилган.

Экология ва кончилик хуқуқининг ўзара алоқаси кончилик хуқуқида кон экологиясининг қуидаги ютуқларидан фойдаланилганлигига намоён бўлган:

•Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонунининг “Ер ости бойлигидан фойдаланишни чеклаш”, ”Ер ости бойлигидан фойдаланувчиларнинг асосий хуқуқ ва мажбуриятлари”, ”Ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик” каби бандларининг хуқуқий меъёрларини ишлаб чиқища ер ости бойлигидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни олиб

боришда экологик ҳавфсизликнинг илмий асосланган талабларидан фойдаланилган.

Кончилик ҳуқуқини ўқув предмети сифатида ўрганишдаги урни ва моҳияти 1-маъruzанинг 1.2-чизмасида тўлиқ келтирилган эди. Лекин кончилик ҳуқуқи фанини ўрганишда бир қатор ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд:

Биринчиси - кончилик ҳуқуқи муаммоларига бағишлиланган илмий-услубий, ўқув ҳатто аммобоп адабиётларнинг йўқлиги.

Иккинчиси - Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ти қонунининг иккинчи таҳририда қўшимча ва ўзгартиришлар билан қабул қилинганлигига қарамай(2002 й 13 декабр) у камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун ҳам кончилик ҳуқуқи фанидаги ўқув материаллари ушбу қонунининг чуқур таҳлилига, унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатган ҳолда, такомиллаштириш йўлидаги конструктив таклиф ва ғояларга бағишлиланган бўлиши керак.

Учунчиси - талабаларда ҳуқуқнинг умумий характердаги бошланғич билимлари мукаммал бўлмаганлиги туфайли кончилик ҳуқуқинининг қонун ва қоидаларини идрок этиш қийин кечмоқда. Шунинг учун бу фанни юқори курсларда “Ҳуқуқшунослик” фанидан кейин ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Кончилик ҳуқуқини ўрганишдаги муаммолар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрларича ер ости бойлиги ҳақидаги қонунчиликни кодификация қилиб, ягона омилларга таянган Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари” кодексини яратиш зарурлиги таъкиданмоқда. Бу албаттда кенг кўламли илмий-амалий изланишларни талаб этади.

Кончилик ҳуқуқини келтирилган йўналишлар буйича чуқур ўрганиш кончи-бақалаврлврни тайёрлашни яхшилайди ва ер ости бойлигидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштиради.

Лотин ҳикмати: Давлат манфати-олий қонун.

(Salus rei publica supra lex.)

2.3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш.

Ер ости бойликлари-Давлат мулки объекти

Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясида (ХII-боб, 55-модда) “Ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табий захиралар умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” –дейилган. Ёки (IX-боб 36-модда) “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.”... ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси ер ости бойлигига нисбатан мулкчиликнинг ҳар-хил шакллари бўлиши мумкинлигини кўзда тутади, лекин бугунги кунда ер ости бойлигига бўлган мулкий муносабат Ўзбекистон Республикасида узил-кесил ҳал қилинган. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунининг 4-бандида “Ер ости бойликлари Ўзбекистон Республикасининг мулкидир, улар Давлат муҳофазасида ва улардан оқилона фойдаланиш зарур (шарт) “-дейилган. Ер ости бойликларини эгаллаш, фойдаланиш ва эгалик қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси (ва унинг субъектлари) ихтиёридадир.

Фуқаролик хуқуқида хуқуқий категориялар (тоифалар) нинг мазмуни қўйидагича изохланади:

Эгаллаш - бу мулқорнинг жисм устидан хўжалик юритиш борасидаги хукмдорлигини билдиради. Жамоа ёки шахсга жисмни беркитиб қўйилганлиги, мулкнинг статик (турғун) муносабатни эгаллашда ўз ифодасини топади.

Фойдаланиш - бу ишлаб чиқариш учун ёки шахсий истемол туфайли жисмдан фойдала хоссаларин чиқариб олиш(фойдаланиш)ни билдиради.

Эгалик қилиш - бу жисмга нисбатан унинг тақдирини белгиловчи сайди - ҳарақатларни билдиради. Бу жисмни мусодара қилиш, ёллашга бериш, гаровга қўйиш, хаттоки йўқ қилиб юбориш кабилардир.

Фойдаланиш ва эгалак қилишда мулкий муносабатнинг динамикаси кўринмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси худудида эгаллаш,

фойдаланиш, эгалик қилиш масалалари ер ости бойликларига нисбатан хуқуқий режимда қўлланилган. Конунда белгиланганидек, ер ости бойлиги участкалари сотиш, сотиб олиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, хиссадорлик қилиш, мусодара қилиниши мумкин эмас. Ер ости бойликлари Ўзбекистон Республикаси мулки (Ўзбекистон Республикаси ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни 5-модда).

Назорат саволлари

1. Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамоилларидан бири бўлган тенгликлек тамоилига таъриф беринг?
2. Фуқоролик ҳуқуқи нима?
3. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 19– моддасида нима дейилган?
4. Давлат ҳуқуқи нима?
5. Маъмурий ҳуқуқи нима?
6. Молиявий ҳуқуқи нима?
7. Жиноий ҳуқуқи нима?
8. Ер ҳуқуқи нима?
9. Фуқоролик ҳуқуқи нима?

Асосий адабиётлар

6. Ўзбекистон Республикаси Конституция. Расмий нашр.
7. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун. 2002.
8. Певзнер М.Е. Горное право.- М.: МГГУ, 2002.
9. Рахимов В.Р., Шерфединов Л.З. Горное право (Правовой порядок недропользования). Ташкент: ТГТУ, 2007.
10. Рахимов В.Р., Саййидқосимов С.С. Кончиллик ҳуқуқи, ўқув қўлланма (Эл.в.), ТашДТУ, 2007 й.

3-маруза: Кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солишининг умумий масалалари.

Режа:

1. Бозор иктисодиёти шароитида давлат томонидан тартибга солиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари.
3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари.
4. Саноатда ва кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг ваколатлари.

Таянч сўз ва иборалар: Бозор иктисодиёти, бошкарув, лецинзиялаш, ҳисобот юритиш, ер қаърини муҳофазалаш.

3.1. Бозор иктисодиёти шароитида давлат томонидан тартибга солиш.

Бозор иктисодиёти шароитида давлат томонидан тартибга солиш давлат бошкаруви фаолиятининг муҳим унсури ҳисобланади. Максадлар муштарак бўлсада бошқарув ва тартибга солища нисбатан ҳар хил жараёнларда давлатнинг иштирокини кўпроқ кўзда тутади. Шу жумладан, ер ости бойликларини бошқарувида ҳам “Давлат бошқара туриб тартибга солади, тартибга сола туриб бошқаради”. Бу қадимдан маълум булган қоида.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари туғрисида”ги қонунида (2002 й 13 декабр) кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши (II боб 7-18 моддалар) куйидагича баён этилган.

Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошкаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва менерал ресурслар давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда

ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги кончилик муносабатлари соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тугрисида”ги қонунининг янги таҳририда кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши II бобнинг 5 та моддасида ўз ифодасини топган.

- Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви;
- Кончилик муносабатларини давлат бошқаруви органларининг функцияси ва тартиби;
- Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисботини юритиш;
- Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисбини юритиш;
- Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишининг давлат назоратини ташкил қилиш.

Конунда ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза килишга оид талаблар батафсил баён этилган. Кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солишдан максад Ўзбекистон Республикасида яшаётган халқларнинг бутунги ва келажак авлодлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда минерал-хомашё базасини қайта тиклаш ва ундан оқилона фойдаланиш ва ер қаърини мухофазалашдан иборат.

Кончилик муносабатларини давлат тамонидан тартибга солиниши бошқарув, лецинзиялаш, ҳисбот юритиш ва назорат қилиш орқали амалга оширилади. Кончилик муносабатларини тартибга соловчи давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви умумий ва маҳсус ваколатларга эгадирлар. Умумий ваколатли давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг таркибига қўйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий мажлис, Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи республика, вилоят, шаҳар (республика аҳамиятига молик) ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари .

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

- ер ости бойликлари давлат фондини тасарруф этиш;
- минерал -хомашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил килиш, ер каърини муҳофаза этиш давлат дастурларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш ва ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаш;
- фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуqlарини давлат руйхатидан ўтказилишини ташкил қилиш;
- фойдали қазилмалар заҳираларини тасдиқлаш ҳамда фойдали қазилмалар заҳиралари давлат баланси, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини юритилиши тартибини белгилаш;
- кенг тарқалган фойдали қазилмалар руйхатини тасдиқлаш;
- ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланишда ва уни муҳофазалаш устидан давлат назоратини ташкил қилиш;

3.3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

- тегишли худудда минерал -хомашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил килиш, ер каърини муҳофаза қилиш давлат дастурларини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- кенг тарқалган фойдали қазилмалар кавлаб олинаётганда ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиб олиш;

- ер қаъридан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси вакалатлари:

- табиий ресурслардан фойдаланиш ва такрор ҳосил қилиш, табиий атроф- муҳитни мухофаза қилиш устидан назоратни амалга ошириш;
- табиат мухофазаси билан боғлик бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириди ва комплекс бошқа ўзиришни амалга оширади;
- табиатни мухофазалаш ва ресурсларни тежашнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- экологик ҳолатни соғломлаштириш ва атроф муҳитнинг қулай экологик шароитини таъминлаш ишларини назорат қиласи. Ўзбекистон Республикаси табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси маҳсус комплекс вакалотга эга бўлган идора ҳисобланади. У Олий Мажлисга бевосита ҳисобот беради, қумита раиси Олий Мажлис томонидан тайинланади, унинг қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идора ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт. Экология билан боғлик бўлган масалаларда ҳалқаро ва регионал муаммоларни ечади ва соғлиқни сақлаш, ички ишлар вазирликлари, “Саноат кон назорат” агентлиги. Ўзгеокадастр, ўзгидромет, Давлат стандарти, давлат қўмиталари ва бошқа идоралаларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиради. Экологик жамғармани шакллантиради. Экологик қоида ва меъёрларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Давлат экологик экспертизасини олиб боради ва чиқиндиларни жойлаштирганлик ҳамда табиий атроф муҳитни ифлослантирганлиги учун тўловларни амалга оширитиради. Хўжалик юритиш учун жойларни танлаш ва ер ажратмасини белгилаш, янги объектларни қабул қилиш ва ишга туширишда иштирок этади, келишиш амалларини бажаради ҳамда Қизил китоб бўйича низомни тасдиқлайди.

Ўзбекистон республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ваколатларига қўйдаглар киради:

- ер қаърини геологик мақсадларда ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;
- ер қаъридан оқилона фойдаланиш, уни муҳофазалаш ва минерал-хомашё базасини тақрор ҳосил қилишни таъминлаш;
- ер қаъридан фойдаланишнинг лицензиялашни давлат тизимини ташкилий таъминлаш;
- ер қаърини геологик ўрганиш, фойдали қазилма конларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ишлатиш каби ҳолатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат ҳисботини олиб бориш;
- Ўзбекистон республикасида ер қаъридан фойдаланишнинг ягона информацион тизимини яратиш;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қаъри участкаларидаги фойдали қазилмалар захирасини ва геологик информацияни давлат экспертизасидан ўтказиш.

Ўзбекистон республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси таркибида Ер ости бойликлари давлат жамғармаси фаолият олиб боради.

Унинг ваколатлари доирасига қўйдагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси худудини геологик ўрганишининг тахлилини, Республика ва унинг регионларини минерал-хомашё захиралари билан таъминланганлигини баҳолаб бориш;
- Минерал-хомашё сифатини яхшилаш, фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва келажакда уни кенгайтириш стратегияси борасида таклифлар тайёрлаш, шунга яраша давлат инвестицияларини жалб қилиш;
- Минерал-хомашё базасини кенгайтириш ва ундан фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш;
- давлат эҳтиёжи учун ўтказиладиган геология-қидирув ишлар учун давлат буюртмачиси функциясини бажариш;
- ер қаъридан фойдаланувчилар учун белгиланган тартибда лицензиялар

бериш;

- минерал-хомашё базасини такрор ҳосил қилиш учун тўловлар ставкаси миқдорини белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
 - Саноатконназорат агентлиги билан биргалиқда кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатини тайёрлаш;
 - давлат бюджети ҳисобидан қўлга киритилган геологик информатциядан фойдаланиш шартлари ва тартибини белгилаб бериш;
 - кон белгилари ва конларнинг давлат кадастири ҳамда кон захираларининг давлат балансини тузиш ва юритиш, давлат балансига олинган фойдали қазилмалар захирасининг йиллик ўсиши ҳисботини юритиш тартибини белгилаб бериш;
 - ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофазалашнинг давлат назоратини юритиш тартибини белгилаш;
 - ер қаърини геологик ўрганиш ва ундан фойдаланиш соҳасида ҳалқоро ҳамкорлик тартибини белгилаб чиқиши;
 - ер қаърини геологик ўрганиш қоидлари ва мейёрларини тасдиқлаш
- (Саноат конназорат агентлиги билан биргалиқда)

Келтирилган ваколатлар рўйхатидан кўриниб турибдики, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Республика миқиёсидаги ижроия ҳокимияти органи бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ер ости бойликлари жамғармасини бошқариш, ер қаърини геологик ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш, идоралараро мувофиқлаштириш ҳамда ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофазалашни давлат назоратини олиб бориш ишларини амалга оширап учун Кўмита қошида давлат геологик назорати ташкилоти фаолият кўрсатади ва у “Саноатконназорат” агентлиги билан ҳамкорликда ер қаърини геологик ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан назарат олиб боради. Шунинг билан бирга кончилик ишларини олиб бориш натижасида ишга туширилган ва улар билан ёнма – ён жойлашган конларга зиён етказмаслик, конларни қазиб олиш жараёнида

фойдали қазилма захираси, унинг набуд бўлиши ва сифатсизланишнинг ҳисобини олиб боради.

Вақтинча фойданилмаётган фойдали қазилмалар ва йўл-йўлакай қазиб олинаётган қўшимча фойдали қазилмалар захираси, техноган ҳосилалар ҳам алоҳида ҳисобда турди ва назоратда бўлади.

3.4. Саноатда ва кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг ваколатлари

Саноатконназорат агентлиги ер қаъридан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишларни бехатар олиб борилиши устидан давлат назоратини Республика ҳудудида амалга оширади. Ҳукуқ ва мажбуриятлари ва ишлаш тартиби унинг низомида белгилаб берилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. Саноатконназорат агентлиги Республиканинг марказий ижроия органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саноатда ишларни бехатар олиб бориш масалаларини давлат тамонидан меъёрий тартибга солишни амалга оширади ҳамда маҳсус рухсат бериш, назарат ва контрол қилиш ишларини олиб боради. Тартибга солиш ва назорат қилиш ишлари агентликнинг регионал идоралари (округлар) орқали амалга оширилади ва биргаликда ягона тизимни ташкил этади.

“Саноатконназорат” агентлигининг асосий вазифалари:

- Республика аҳамиятига молик марказий ижроия органлари, корхоналар, ташкилотлар (ташкилий-худудий шаклидан қатъий назар), масъул шахслар, фуқоролар томонидан саноатда ишларни бехатар олиб бориш қоидалари ва талаблари ҳамда қурилмаларни хатарсиз ишлатиш борасида ҳавфсизлик ва давлат назоратини тартибга солишни Республика ҳудудида ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тасдиқланган ва ўрнатилган тартибда ишларни бехатар олиб бориш (қоидалар ва меъёрлар), уларнинг аҳолига, атроф табиий муҳитга, ҳалқ ҳужалиги объектларига бўладиган зарарини олдини олиш ва огоҳлантиришни

таъминлаш ва амалга ошириш мақсадида давлат кончилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- минерал-хомашёни қайта ишлаш, ер қаърини мухофазалаш, қурилмаларни беҳатар ишлатиш, ўрнатиш, таёrlаш ва ишларни беҳатар олиб бориш қоидалари, меъёрлари ва талабларини жорий этиш.
- ер қаъридан фойдаланилганда хавфсизликни таъминлаш, саноат ишлаб чиқариши (объектлари) ва ишлари билан боғлиқ бўлган ўта хавфли баъзи-бир фаолият турларини лицензиялашни амалга ошириш.

Саноатконназорат агентлиги давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишни қўйидаги ҳусусий ҳолатлар учун амалга оширади:

- геологоразведка ишлари, ер остида транспортни ва гидротехник иншоотларнинг қурилишини олиб бориш, кончилик ишларини беҳатар олиб бориш;
- портлатиш материалларидан саноат миқёсида фойдаланиш ва уларни сақлаш;
- фойдали қазилмаларларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда ер қаъридан,(шу жумладан ишлатиб бўлинган кон лаҳимлари) фойдали қазилмани қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадда фойдаланиш ва ер қаърини мухофазаси билан боғлиқ бўлган талаблар, мажбуриятлар, ишларни беҳатар олиб бориш қоидалари ва меъёрларига амал қилиш;

“Саноатконназорат” агентлигига қўйидаги ҳукуқлар берилган:

- ўз ваколати доирасидаги барча масалалар бўйича назоратида бўлган корхоналар ва объектларда тўхтовсиз(чегараланмаган) текширишлар ўтказиш ;
- Ўзбекистон ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар учун бажарилиши шарт бўлган масалалар юзасидан меъёрий-техникавий хужжатларни тасдиқлаш (ўз ваколати доирасида);
- ер қаърини мухофазалаш ва хафсизлик қоида ва меъёрларни бузиб олиб борилаётган ишларни тўхтатиб қўйиши учун ижроси шарт бўлган ёзма кўрсатмалар бериш, авария ҳолатлари ва инсонлар ҳаётига хавф туғдирадиган

ҳолатларда уларни иш жойларидан чиқариб юбориш тўғрисида кўрсатмалар бериш, керак бўлган ҳолларда иш жойлари ва қурилмаларнинг фаолиятини расман чеклаб қуиши;

- рухсат этилган фаолият хуқуқини рухсатнома шартлари бузилган ҳолларда тўхтатиб қуиши ҳатто бекор қилиш, шунингдек авария, инсонлар ўлими ёки уларнинг соғлигига заарар етказиладиган ҳолларда ҳам фаолиятни тўхтатиб қуиши.
- травматизм содир бўлган ҳолларда техник текширишлар олиб бориш ва баҳтсиз ҳодисалар сабабларини аниқлаш ҳамда уларнинг натижалари бўйича ижроси шарт бўлган кўрсатмалар бериш;
- маъсул шахслар ва фуқороларни маъмурий жавобгарликга тортиш (қонунда белгиланган тартибда) ва керак бўлганда материалларни тергов, прократура ва суд идораларига тақдим этиш ҳамда гуноҳкор шахсларни жиноий жавобгарликга тортиш учун даво аризасини киритиш;
- ўз ваколати доирасида ижроия органлари, корхоналар ва фуқоролар учун ижроси шарт бўлган қарор ва кўрсатмалар бериш.

Назорат саволлари.

1. Кончилик хуқуқини ўрганишнинг йўналишлари кўрсатинг?
2. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тутатиш асослари?
3. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 12– моддасида нима дейилган?
4. Бозор иктисодиёти шароитида давлат томонидан ыандай солинади?
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
7. Саноатда ва кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг ваколатлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституция. Расмий нашр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун. 2002.
3. Певзнер М.Е. Горное право.- М.: МГГУ, 2002.
4. Рахимов В.Р., Шерфединов Л.З. Горное право (Правовой порядок недропользования). Ташкент: ТГТУ, 2007.
5. Рахимов В.Р., Саййидқосимов С.С. Кончиллик ҳуқуқи, ўқув қўлланма (Эл.в.), ТашДТУ, 2007 й.

4-маруза: Ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Режа:

1. Ер қаъри ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш
2. Ер қаридан фойдаланиш турлари билан боғлиқ бўлган тўловлар.
3. Махсулотнинг тақсимоти тўғрисидаги келишув шароитида ер қаъридан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: ҳақ тўлаш, ер солиги, аренда, геологик информациялар.

4.1. Ер қаъри ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Ер қаъри ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси кончиллик ҳуқуқининг замонавий принципиал қоидаларидан бири ҳисобланади.

Конунчиликда белгиланганидай барча тўловлар икки гурухга бўлинади.

1. Ер қаъридан фойдаланишнинг турига боғлиқ бўлмаган тўловлар
2. Ер қаръидан фойдаланиш турига боғлиқ бўлган тўловлар.

Биринчи гурухга конкурс аукционига қатнашганлиги учун бонус (йифин), лцензия бериш учун тўлов, геологик информациядан ва ер учусткасидан фойдаланганлиги учун тўловлар киради.

Иккинчи гурух фойдали қазилмаларни замонавий қидириш ва баҳолаш ҳуқуқи учун тўловлар, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ҳуқуқини олиш учун тўловлар, минерал-хом ашё базасини қайта тиклаш учун тўловлар аксиз учун йигинлар фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлик бўлмаган мақсадларда ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун тўловлар ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.


Ер қаъридан фойдаланиш турлари билан боғлик бўлмаган тўловлар.


Конкурс ёки аукционга иштирок этиш учун тўловлар унинг иштирокчилари тамонидан амалга оширилади. Тўлов миқдори конкурс ташкил этиш ўтказиш ва натижаларида якунлаш, ер қаъридан фойдаланиш учун бериладиган лицензияларни расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш билан боғлик ишларга сарф қилинадиган тўғридан-тўғри харажатлардан келиб чиқиб белгиланади. Давлат маблағи хисобидан олинган геологик информация учун тўлов хукумат томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Жумладан ҳудудий, илмий ва услубий аҳамиятга моликликдан ташқари Ер қаъри тўғрисидаги геологик информация агарда у давлат бюджети ҳисобидан ўтказилган геология – қидирув ишларини амалга ошириш натижасида олинган бўлса, фақатгини халқаро тўлов ва аукционлар доирасида фойдали қазилма конларини ўзгартириш ҳамда геологик разведка ишларини ўтказиш ҳуқуқини олиш мақсадида экспорт қилиниши мумкин. Ер қаъри тўғрисида геологик информацияларни сотиш тартибини бузганлиги учун санксия киритиш ҳуқуки Давлат солиқ қўмитаси ва вазирлигига берилган. Агарда хорижий инвестор иштироқида корхона ташкил этилаётган тақдирда, ер қаъри тўғрисидаги информацияни бошланғич визнос сифатида фойдаланилаётган бўлса унга кетган харажатларни давлат бюджетига қайтариш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Ер участкасидан фойдаланилганлиги учун тўловлар агарда ундан фойдаланиш ҳуқуқи ер қаъридан фойдаланиш учун бериладиган лицензия билан биргаликда берилган бўлса унда Ўзбекистон Республикаси ер кодекси моддалари билан белгиланади. Ер участкаларидан фойдаланганлиги учун

түловлар икки ҳил бўлади:

- Ер солиги (ер мулқдорлари, ердан фойдаланувчилар, ер эгалари учун);
- Аренда (ижара) тўлов (ижарачилар учун).





1 –чиизма. Ер қаъридан фойдаланилганлик учун тўловлар тизими.

Ер солиғи ва ижара тўловлари ер участкаси қайси ҳудудга тегишли бўлса ўша ҳудуд туман маҳаллий ҳокимият органлари (идоралари) бюджети бориб тушади.

Ер солиғи: ер участкасининг майдони (солиқ билан юкланган) ва ер солиғи учун тасдиқланган савиялар билан белгиланади ва тўланади.

Агарда саноат корхонаси ер участкаси аҳоли пунктидан ташқарида маъмурий туманга тегишли қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган жойдан ажратилса унда тўлов ер солиғи савиясининг уч бараварига teng қилиб ундирилади. Ижара ҳуқуқи ер участкасининг ижара шартлари билан белгиланади.

4.2. Ер қаридан фойдаланиш турлари билан боғлиқ бўлган тўловлар.

Ер қаридан фойдаланилганлик учун тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ер қарининг участкаси ёки майдонининг бир бирлигидан фойдаланилганлиги, бир марталик ёки доимий взнослар шаклида чамалаш ва қидириш ишларини амалга ошириш ҳуқуқи учун тўланади. Тўлов миқдори таввакалчилик даражаси ва ҳуқуқнинг геологик ўрганилганлиги, фойдали қазилма тури, ишлаш муддати, ер қарни участкаси ўлчами ва ҳудуднинг иқдисодий – жуғрофий шароитлирига боғлиқ бўлади. Ставка миқдори конни чамалаш ва баҳолаш ҳуқуқи учун бажарадиган ишларнинг шартномавий баҳосининг 1-2 фоизига teng бўлади. Кон ажратма ҳуқуқи учун эса 3-5 фоизга teng кон ажратмаси ҳудудида бу ҳуқуқ учун тўлов йўқ. Фойдали қазилма кавлаб олиш ҳуқуқи учун тўловлар бир маротаба ва кейинчалик мунтазам равишда корхона ишга туширилгандан кейин амалга оширилади. Тўлов қиймати фойдали қазилма тури, унинг миқдори ва сифати, табиий-жўғрофий, кончилик техникавий ва конни ўзлаштиришнинг иқдисодий шароитлари ва таваккалчилик даражаси билан белгиланади. Ушбу тўловлар фойдали қазилмани кавлаб олишнинг таннархига киритилади ва қазиб олинган фойдали қазилма нархининг

бир қисмининг ташкил қиласи. Қазиб олишдаги нобудгарчилик нормалари ҳар йили тегишли идоралар тамонидан ўрнатилади ва ҳар бир корхонанинг кончилик ишлари режасига киритилган бўлади. Нормативдан ортиқ нобудгарчиликга йўл қўйилиб кавлаб олинган фойдали қазилманинг умумий ҳажмидан икки баровар кўп тўлов амалга оширилади. Давлат солик қўмитаси расмий ҳужжатларда белгиланишига фойдали қазилмани кавлаб чиқариш ҳукуқи учун қўйдаги чекланган тўловлар белгиланган (қазиб олинган хом ашё нархига нисбатан фоиз ҳисобида): Қора металлар – 1,5, рангли ва нодир металлар – 2-6, Кимёвий хом ашё – 1,5 Кўмир -1-3 Кенг тарқалган фойдали қазилмалар ва минерал сувни қазиб олиш ҳукуқи учун тўлов миқдорини махаллий хом ашёвий идоралари белгилаб беради.

Кончилик корхонаси ва минерал хом ашёни қайта ишловчи корхоналар чиқиндишлардан фойдаланиш ҳукуқи учун тўловлар фойдали қазилма учун белгиланган тўловнинг 25-50 фоизини ташкил этади. Фойдали қазилма кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадда ер қаъридан фойдаланиш ҳукуқи учун тўлов бир марталик ёки мунтазам шаклда бўлиши мумкин. Бу тўловлар миқдори берилган ер қаъри участкасининг ўлчами, учун фойдали хоссалари ва экологик хавфсизлик даражаси билан белгиланади. Тўлов миқдори қурилган объектнинг сметада кўрсатилган баҳосининг 1-3 фоизини ташкил этади.

Ер қаъридан фойдаланиш ҳукуқи учун тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Охирги нарх лицензия берилаётганда аниқланади.

Ер қаъридан фойдаланиш ҳукуқи учун тўловлар шакли қўйдагича бўлиши мумкин:

- Ер қаъридан фойдаланувчи тамонидан ишлаб чиқарилаётган минерал хом ашёнинг бир қисми шаклида;
- Хизмат кўрсатиш ёки бирор-бир ишни бажариб бериш шаклида;
- Ташкил этилаётган янги кончилик корхонасининг низом жамғармаси хисобига улуш сифатида ўтказиш сифатида

Тўлов шакли лицензияда кўрсатилган бўлади.

Ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларнинг тахминан 30 фоизи махаллий бюджетга қолган қисми Республика бюджетига ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикасида бу нисбат бошқача бўлиши мумкин. Микёс жихатдан участкаларнинг конлардан фойдаланиш хуқуки учун тўловлар манфаатдор тамонларинг розилиги билан бошқача схемада бюджетга тақсимланиш ҳам мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш хуқуки тўловлари учун имтиёзлар ҳам берилиши мумкин, агарда ер қаъридан фойдаланувчи:

- Объетив сабабларга кўра кам рентабелли лекин топилмас фойдали қазилма конини ўзлаштираётган бўлса (разведка қилинган заҳираларидан оқилона фойдаланиш шартлари бузилмаган ҳолда);
- Сифати паст бўлган ва шу сабабли ташлаб қўйилган фойдали қазилма заҳираларни кавлаб олаётган бўлса.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг баъзи бир категориялари учун, фаолиятни рағбатлантириш мақсадида, лицензия бераётган органлар хуқуки учун тўловлардан бутунлай ёки қисман озод қилишлари мумкин. Агарда:

- Мулкдор ўз участкасидан ёки ижарага олинган ер участкасидан ўз эҳтиёжи учун кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олса;
- Ер қаърининг яхлитлигини сезиларли даражада бузмасдан, фойдаланувчи, уни геологик, гидрогеологик, геоэкалогик мақсадларда ўрганилаётган бўлса;
- Фойдаланувчи алоҳида муҳофазаланадиган геологик объект ташкил қилиш учун ер қаъри участкасини фойдаланишга олган бўлса;
- Фойдаланувчи кончилик – геологик ва кончилик – техникавий жихатдан мураккаб шароитларда ер қаъридан фойдали қазilmани кавлаб олиш учун фойдаланилаётган бўлса.

Минерал – хомашёни тиклаш учун тўловлар.

Бу тўловларни Давлат ҳисобидан амалга оширилган разведка натижасида топилган фойдали қазилмаларни қазиб олаётган ер қаърининг барча

фойдаланувчилари ижро этишади. Улар янги конларни қидириш ва уларнинг заҳираларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган ишларни нихоялаш учун асосий манба ҳисобланади. Бу ҳукуқий норма республикамизда охирги йилларда қисқариб бораётган геология-разведка ишларини ва минерал хом ашё базасининг тиклаш жадаллиги пасайтиришни олдини олади. Фойдали қазилмани кавлаб чиқариш туфайли ҳисобдан чиқарилаётган заҳиранинг янгиси ҳисобдан тикланиш даражаси тикланиш кофиценти k билан ифодаланади. K – маълум бир фойдали қазилма заҳирасининг бирор –бир муддат ичида кўпайганлик миқдорининг (PQ) шу вақт ичида ҳисобдан (қазиб олинган) чиқарилган ҳажми (D) нисбатига teng. $K=PQ/D$ К- нинг критик миқдори 2 га teng. К нинг критик миқдоридан пасайиши минеоал хом ашё базасининг камайишига олиб келади ва унинг оқибати ҳар бир давлат учун ёмон бўлиши мумкин. Баҳтга қарши бу тенденция Ўзбекистон мисолида устивор бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Республикада геология қидирув ишларини олиб боришни жадаллаштириш чора тадбирларига бағишлиланган 2007 йил январда қарор қабул қилинди (қарорни нашри тўғри ёзиш керак аслият бўйича).

Бугунги кунда Республикаизда фаолият кўрсатаётган кончилик корхоналарида фойдали қазилма заҳираларининг камайиб бораётганлиги ойдек равшан. Маълумотларга қараганда, дунё амалиётида К нинг қиймати бизга қараганда бирнеча баробар катта, чунки бунинг асосий сабабларидан бири бу кончилик компанияларининг минерал хомашё базасини эгаллаш борасида курашдаги конкуренция. Маълумки, фойдали қазилма кони учун молиявий кўйилма келажакда яхшигина фойда келтириши муқаррар. Шунинг учун конларни ўзлаштиришининг шартлари ва иқдисодий ахволини ўзгартиришни олдиндан ҳисобга олиб минерал хомашё заҳирасини ўзига хос “сугурталаш” шаклларини қўллаш зарурати кўзда тутилади.

Минерал хом ашё базасини такрор ҳосил қилиш учун тўлов ставкаларини ер қаъридан фойдаланувчилар учун бир хил бўлиб, унинг миқдори Ўзбекистон

Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги қонуннинг 8 – моддасига биноан Вазирлар Махкамаси тамонидан белгиланади. (амалда қазиб олинган фойдали қазилма баҳосининг бир улуши сифатида).

Минерал хом ашё базасини такрор ҳосил қилишга йуналтирилган туловлар ставкаси қазиб олинган фойдали қазилмадан ҳосил бўлган бирламчи товар маҳсулотининг баҳосидан фоиз ҳисобида бўлиши мумкин 1.7 (калий туз), нодир ва рангли металлар (7.8 - 8.2), кўмир (5.0), нефт-газ ва конденсат (10.0), ер ости сувлари (5.0), олмос (3.5), фосфорит (3.1).

Минерал хом ашё базасини такрор ҳосил қилиш учун тўловлардан фойдаланиш ва улардан байзи бир ер қаъридан фойдаланувчиларни озод этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади ва улар ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш учун мақсадли равишда йўналтирилади. Бу маблағнинг бир қисми мустақил равишда геология ва қидирав ишларини олиб бораётган кончилик корхоналаридан ихтиёрига қолдириши ҳам мумкин. Бу маблағнинг бир қисмини (0.5-1.5 фоиз) фойдали қазилма конларини очганлик учун тақдирлашга фойдаланилади.

Ер қаъридан фойдаланиш учун лицензия берадиган давлат ваколатли органларининг (идораларнинг) қаърорига биноан минерал хом ашёни такрор ҳосил қилиш учун тўловлардан ер қаъридан фойдаланувчилар учун озод қилинишлари мумкин, агарда улар нокандицион заҳиралар ёки техноген минерал ҳосилаларини қазиб олинаётган бўлсалар.

Ўз маблағлари хисобидан фойдали қазилма конларини чамалаш қидириш ишларни бажарган ер қаъридан фойдаланувчилар, давлатга разведка қилинган заҳираларга миқдори учун белгиланган тўловни амалга оширган тақдирда, минерал хом ашё такрор ҳосил қилиш учун бўладиган тўловлардан озод этилади.

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича байзи бир минерал ҳом ашё турларига акциз, яъни билвосита солиш (товар маҳсулотини нархига қўйиладиган) белгиланганди. Акциз марка белгилаган хом ашё рўйхати Вазирлар махкамаси томонидан ишлаб чиқилади. Масалан, нефт,газ ва газ конденсати.

4.3. Махсулотнинг тақсимоти тўғрисидаги келишув шароитида ер қаъридан фойдаланиш.

Мамлакат иқдисодиётининг ривожланиш омилларидан бири биринчи навбатда (энг аввало минерал хом ашё комплексга инвестицияларни киритиш учун қулай шарт-шароитлар ва кафолатлар яратишдир. Кончилик саноатидаги потенциал хорижий инвестор нуқтаи назаридан ҳар қандай мамлакат қонунчилигига қуйидаги муҳим моментлар ўз ифодасини топган бўлиши керак:

Хуқуқий тартибга солишининг аниқ механизми;

Қонунчиликда камчилик нуқсон қусурларнинг йўқлиги;

Махсулотни пуллашда халқаро нархларни қўллаш; Валюта операциялари бўйича шартлашиш имконияти обфшор банкларда пул маблағларини депонироват қилиш, мулк хуқуқ, мустақил бошқариш низоларини ҳал қилиш каби асосий масалаларнинг қониқарли ечиш қонунчилик билан химояланганлиги.

Хуқуқ тизимининг мукаммаллиги, асосий масалаларнинг қониқарли ечими мавжудлигига қараб Республикаизда ўзининг маблағи билан келаётган потенциал инвестор маълум бир таваккал билан шу қарорга келади.

Ўзбекистон Республикаси “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуннинг (05.05.1994 й) 35 – моддасига биноан табиий ресусларни ишлатиш қазиб олиш ва разведка қилиш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун хорижий инвесторларга концепция тақдим этилади, яъни, Ўзбекистон Республикаси хукумати ваколатли органлари ва хорижий инвесторлар ўртасида тузиладиган концепцион шартномалар асосида қонунчиликда белгиланган тартибда фаолият олиб борилади.


Махсулотнинг тақсимоти тўғрисидаги келишув шароитида фойдаланиши мумкин бўлган минерал хом ашё турларининг рўйхати Вазирлар Махкамаси тамонидан белгиланади. Ваколатли хукумат идораси биринчи навбатда конкурс (танлов) ёки аукционда ғолиб чиқсан хорижий инвестор билан концепцион

шартнома тузади. Бази бир ҳолларда танлов ёки аукционсиз ҳам концепцион шартнома ҳукумат қарорига биноан тузилиши мүмкін.

Ер қаъридан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва шартнома лойихаси ҳукумат комиссияси томонидан ишлаб чиқилади шартнома белгиланган стандартлар кончиллик ишларини бехатар олиб бориш, минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавсизликни таъминлаш каби масалалар билан биргаликда инвестор тамонидан олинадиган қуидаги мажбуриятларни ҳам ўз ичига олади:

- Ўзбекистонлик инвесторларга баъзи бир иштирок учун имтиёзлар бериш;
- Атроф-мухитни ифлосланишдан сақлаш;
- Фавқулодда ҳолатлар туфайли содир бўлган заарни қоплаш;
- Янги технологик жиҳозларни келтириш;
- Фаолият тугагандан кейин ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш;

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш, солиқ ва бошқа тўловларни амалга ошириш схемаси.



Қонунчиликда белгиланган махсулотларни тақсимлаш жараёни қўйдагиларни ўз ичига олади. (схемага қаранг).

- шартларига асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотни инвестор томонидан эгалик қилиши.

Назорат саволлари

1. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 15– моддасида нима дейилган?
2. Ер қаъри ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?
3. Ер қаридан фойдаланиш турлари билан боғлиқ бўлган тўловлар қандай тартибда амалга оширилади?
4. Минерал – хомашёни тиклаш учун тўловлар қандай тартибда амалга оширилади?
5. Махсулотнинг тақсимоти тўғрисидаги келишув шароитида ер қаридан фойдаланиш қандай тартибда амалга оширилади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституция. Расмий нашр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун. 2002.
3. Певзнер М.Е. Горное право.- М.: МГГУ, 2002.
4. Рахимов В.Р., Шерфединов Л.З. Горное право (Правовой порядок недропользования). Ташкент: ТГТУ, 2007.
5. Рахимов В.Р., Саййидқосимов С.С. Кончиллик ҳуқуқи, ўқув қўлланма (Эл.в.), ТашДТУ, 2007 й.

IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот: Ер қаъридан фойдаланишдаги муносабатларни
хуқуқий тартибга солиш усули**

МАВЗУНИ ЎРГАНИШ РЕЖАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кончилик хуқуқининг асосий манбаи.
2. Фуқароларнинг кончилик муносабатлари иштирокчиси сифатидаги асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.
3. Кончилик муносабатларининг ижтимоий - иқтисодий ва экологик асослари.
4. Кончилик муносабатларидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг хуқуқий ҳолати.
5. Кончилик муносабатларида қонунчиликнинг конунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш кафолатлари

Ишдан мақсад:

Конларни очиқ усулда қазиб олиш шароитида бажариладиган кончилик ишларини хуқуқий меъёрий талабларга мослигини аниқлаш.

Топшириқ:

Рудаларни очик усулда қазиб олиш шароитида Ўзбекистон Республики Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб кончилик ишларини бехатар олиб боришининг хуқуқий нормаларини ишлаб чиқинг.

Ер ости бойлиги деганда кўпчилик ҳозиргача фойдали қазилмаларни тушунишади. Бундай ўхшашлик моҳиятан нотўғри. Фойдали қазилмалар – бу ер ости бойлигининг фақат бир қисми. Ер ости бойлиги – бу ер остидаги табиий муҳитнинг бир қисми бўлиб унда фойдали қазилмалар, минераллар, тобжинслари ва бошқа унсурлар макон топган.

Яна бир масала – бу “Ер қаърининг” чегара масаласи. Масаланинг муҳимлиги шундаки қачон ва қай ҳолатда “Ер ости бойлиги тўғрисидаги” ги ва Ер кодексини қўллаш чегарасини аниқлаб олиш керак бўлади.

Айниқса давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришда “Ер ости бойлигини” нафақат чукурлик бўйича, балки пландаги чегараси ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари ҳақида” ги қонунида бу атамага қуйидагича таъриф берилган: “Ер қаъри – бу геологик нуқтаи назардан ўрганиш ва ўзлаштириш имкони бўлган чуқурликкача чўзилган, ернинг тупроқ қатлами ва сув ҳавзасининг тубидан пастда жойлашган ер ости фазосининг бир қисмидир”.


Амалий машғулотда “Ажжурали арра” методидан фойдаланилади.

“АЖУРЛИ АРРА” МЕТОДИ


“Ажурли арра” (французча “ажоур” – бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик) методи ўқувчи (талаба)ларга яхлит муайян мавзууни бир нечта

қисмларга ажратиш орқали моҳиятини ёритиш имкониятини яратади. Ушбу метод қўлланилганда ўқувчи (талаба)лар тайёр матнлар билан ишлайди.

Машғулотда методни қўллаш қўйидаги тахлитда амалга оширилади:



Методни қўллашда таълим олувчиларнинг мавзуни пухта ўзлаштирганликлари, ўzlари эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлишлари муҳим саналади.



Тингловчилани кичик гурухларга ажратиш ва қўйидаги вазифаларни бериш:

1 гурух вазифа: Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамойиллари

2-гурух вазифа: Конунчилик тармоқларининг классификатори

3-гурух вазифа: Кончилик хуқуқи тармоғи таркибида қўйдаги қўшимча тармоқлар.

Кичик гурухларга ўқиб ўрганишлари материаллар тарақатилади. Гурухлар аввол ўzlари ўрганим чиқадилар кейин бошқа гурухларга ўргатади. Кейинги босқичда ҳар бир гурух ўрганилган материал юзасидан муаммоли савол

топшириқлар ишлаб чиқади ва бошқа гурух аъзолари бажаришлари учун берилади.

Гурухлар ўқиб ўрганиши учун топшириқлар:

1 гурух вазифа: Ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муносабатларни тартиблаш тамойиллари

Тобелик тамойили – бу ер ости бойлигини Давлат мулки сифатидаги муносабатларни тартибга келтириш учун қўлланилади ва асосан, Ер ости бойлиги Давлат жамғармасига эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш билан боғлик. Давлат биринчидан ушбу тамойилни хуқуқий меъёрларда қўллаш орқали ер ости бойлиги жамғармасини бошқариш тизими ва ваколат доирасини, иккинчидан, ер ости бойлигидан фойдаланиш тартиби, ундан фойдаланувчиларнинг хуқуқи, мажбурияти ва масъулиятини белгилаб беради.

Бўлишишлик тамойили – Давлат мулки ҳисобланган ер ости бойлигининг турларини белгилаб олишда қўлланилади:

Тенгликллик тамойили – ер ости бойлигидан фойдаланиш хуқуқини олиш тартибини белгилашда қўлланилади. Давлат ер ости бойлигидан фойдаланишдаги хуқуқий меъёрларда бу тамойилни фойдаланувчи субъектлар учун қонунчилик тартибида конкурс (танлов) ёки аукцион орқали лицензия олишликларида тенг хуқуқий шароит яратади.

Келишлилик тамойили – кон ажратмаси ёки ер ажратмасининг чегараларини белшилашда қўлланилади. Давлат хуқуқий меъёрларда келишлилик тамойилини қўллаш орқали кон ажратмасининг вақтинчалик ва аниқланган чегараларини белгилашнинг келишишлилик тартибини ва кончилик корхонасини қуриш ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер ажратмаси чегараларини белгилаш тартибини ўрнатади.

Чеклашлик тамойили – Ер ости бойлигидан фойдаланувчиларнинг мажбурият ва масъулиятларини аниқлашда қўлланилади. Давлат хуқуқий

мөйөларидан бу таъмоилни қўллаш орқали ер ости бойлигидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда бу талабларга риоя қилинганда жавобгарлик асосларини белгиловчи талабларни ўрнатади.

2-гурух вазифа: Конунчилик тармоқларининг классификатори.

- Ер ости бойлигидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишининг умумий масалалари;
- Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазасини бошқариш ҳамда назорат қилиш;
- Ерт ости бойликлари Давлат жамғармаси, фойдали қазилма конлари ва улар намаён бўлган жойларнинг Давлат кадастри;
- Ер ости бойликлари мулкчилиги,
- Ер ости бойлигидан фойдаланиш,
- Ер ости бойлигидан фойдаланиш турлари, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер ости бойликларидан фойдаланувчилар учун тўловлар, Ер ости бойлигидан фойдаланишга ўтказиладиган танлов ва аукционлар.
- Ер ости бойлиги муҳофазаси,
- Фойдали қазилма конлари захирасининг Давлат экспертизаси.
- Ер ости бойлиги хақидаги қонунчиликни бузганлик масъулияти.

3-гурух вазифа: Кончилик ҳуқуқи тармоғи таркибида қўйдаги қўшимча тармоқлар.

- Ер қаърини геологик жихатдан ўрганишда содир бўладиган жамоавий муносаботларни тартибга солувчи ҳуқукий қўшимча тармоғи.
- Фойдали қазилма конларини қазиб олиш жараёнида содир бўладиган жамоавий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқнинг қўшимча тармоғи.
- Фойдали қазилма конларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоатларини қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида содир бўладиган жамоавий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқнинг қўшимча тармоғи.

- Кончилик ҳуқуқи институтлари (идоралари) – ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларнинг мустақил қисмини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

- Кончилик ҳуқуқи институти ўз ичига қўйдагиларни олади: - Ер ости бойлигига Давлат мулкчилик мақомини тартибга солувчи меъёрлар гурухи.

- Ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни Давлат томонидан бошқарилиши;

- Ер ости бойлигидан фойдаланишнинг лицензиялаш тартиби;
- Ер ости бойлигидан фойдаланганлик учун тўловни амалга оширилиши;
- Ер ости бойлигидан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилиниши.

Хар бир гурӯх гурӯҳлар томонидан берилган вазифаларни бажаради, вазифалар берилган гурӯҳ ва ўқитувчи томонидан баҳолинади.

САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Кончилик ҳуқуқи манбалари тушунчаси нима?
2. Кончилик ҳуқуқининг манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни қандай?
3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳуқуқий хужжатлари манба сифатида қандай аҳамиятга эга?
4. Кончилик ҳуқуқи манбалари тушунчаси нима?
5. Кончилик ҳуқуқининг манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни қандай?
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳуқуқий хужжатлари манба сифатида қандай аҳамиятга эга?

2 – Амалий машғулот:

КОНЧИЛИК ҲУҚУҚИНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ишдан мақсад:

Конларни *ер ости усулида* қазиб олиш шароитида бажариладиган кончилик ишларини ҳуқуқий меъёрий талабларга мослигини аниқлаш.

Топшириқ:

Рудаларни *ер ости усулида* қазиб олиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб кончилик ишларини бехатар олиб боришининг хуқукий нормаларини ишлаб чикинг.



1 – чизма. Кончилик ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро муносабати.

Давлат ҳуқуқи – ҳуқуқнинг бу тармоғи мамлакатда давлат ва жамият тузуми ва қурилиши асосларининг мустаҳкамловчи, фуқороларнинг асосий ҳуқуқи, мажбурияти ва эркинлигини таъминловчи, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимиятлар идораларини ташкил этиш ва ваколатларни белгиловчи меъёрларни бирлаштиради.

Маъмурий ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи давлат бошқарувидағи, биринчи навбатда, хукуматнинг фаолиятидаги ва унинг ижроия органлари ва обьектлари фаолиятидаги, шунинг билан бирга маъмурий жавобгарликни балгилашдаги муносабатларни тартибга солади.

Молиявий ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи молиявий фаолият доирасида жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқлар мажмуасини тақдим этади.

Алоҳида ҳуқуқий меъёрлар комплекси (ҳуқуқий институт) ёрдамида мажбурий тўлов ва солиқлар ҳамда уларни ундириш тартибини ўрнатиш молиявий ҳуқуқнинг муҳум қисми ҳисобланади. Кончилик ҳуқуқи молиявий ҳуқуқ меъёрларидан ер ости бойлигидан фойдаланилгани учун тўловларни ундиришни таъминлашда фойдаланади.

Фуқоролик ҳуқуқи - Ҳуқуқнинг бу тармоғи тамонларнинг юридик тенглиги асосида ҳар хил мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Жиноий ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи жамият учун ҳавфли бўлган ҳаракатлар доирасини белгилаб берувчи меъёрлар тўплами (комплекси) дан иборат бўлиб, улар ёрдамида содир этилган жиноятлар учун жазо тури ва муддати белгиланади, агарда мазкур ҳавфли ҳаракат жиноят деб баҳоланса, ёки жиноят жавобгарлигидан озод этилади, агар у жиноий ҳаракат бўлмаса.

Ер ҳуқуқи - Ҳуқуқнинг бу тармоғи давлат мулки ёки хусусий шахс эгалигидаги ер ресурсларини бошқариш, фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади.

Экологик ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи табиат ва жамиатдаги ўзаро ҳаракатлар доирасидаги муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий муносабатлар ва меъёрлар мажмуидан иборат.

Халқоро ҳуқуқ - Ҳуқуқнинг бу тармоғи хорижий тамоиллардаги мулк, хорижлик жисмоний ва юридик шахслар иштирокидаги ҳуқуқий фуқоролик муносабатлар, Давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар мажмuinи ўзида мужассам этади.

Кончилик ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро муносабатини тингловчиларга “Венн диограммаси” ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш учун берилади.

«Венн диаграмма» методи

«Венн диаграмма» методи- ўрганилаётган объектларнинг 2 ёки 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши кўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўнималарини ривожлантиради.

Венн диаграммани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурӯҳларда Венн диаграммани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни тўлдирадилар.

“Венн диаграмма” методи тингловчиларда ўрганилаётган объектларнинг ўзига хос ва ўхшаш жиҳатларини таҳлил қилиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

“Венн диаграмма” методидан назарий машғулотларда, амалий, семинар ҳамда лаборатория машғулотларида кенг фойдаланиш имконияти мажуд. Ушбу методдан машғулотда фойдаланилганда мавзуни тушунтириш асон бўлади ҳамда таълим олувчиларнинг мавзуга бўлган қизиқиши юқори даражада бўлади ва мавзу тушунтирилаётганда фаол иштирокчига айланади.

«Венн» диаграммаси - 2 ёки 3 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади. У талабаларда таққослаш, таҳлил қилиш, гурӯхлаш малакаларини шакллантиради.

1-босқич

Талабалар ушбу диаграммани түзиш қоидалари билан

2-босқич

Якка, жуфтликда ёки кичик гурӯхларда диаграмма

3-босқич

Үхшаш ва фарқли хусусиятлар диаграммага ёки жадвалга


түширилади

4-босқич


Фаолият натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади

Кичик гурӯхлар шакллантирилади ва қўйидаги вазифалар берилади:


1-гуруҳга вазифа: Давлат ҳуқуқ ва Маъмурий ҳуқуқ ва Молиявий ҳуқуқнинг ўзига хос ва умумий томонларини топинг



2-гурхга вазифа: Фуқоралик хукуқ ва Жиноий хукуқ ва Молиявий хукуқнинг ўзига хос ва умумий томонларини топинг.



3-гурхга вазифа: Ер ва Экологик хукуқ ва Ҳалқаро хукуқнинг ўзига хос ва умумий томонларини топинг.



Берилган вазифа тингловчилар томонидан тақдимот қилинади ва баҳоланилади.

МАВЗУНИ ЎРГАНИШ РЕЖАЛАРИ

1. Кончилик ишлари фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
2. Кончиликда лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари.
3. Лицензиялашни амалга ошириш тартиби.
4. Кончилик ишлари фаолиятининг айрим маҳсулотларини сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
5. Кончилик маҳсулотларини ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштириш.
6. Метрология тўғрисида қонун ҳужжатлари.
7. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари. Кончилик корхоналарининг метрология хизматлари.
8. Кончилик корхонасида қўлланиладиган ўлчов воситаларининг турлари ва уларни текширувдан ўtkазиш тартиби.
9. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
10. Стандартлаштиришда давлат назорати.

3- Амалий машғулот

КОНЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ишдан мақсад:

Қазиб олинган фойдали қазилмаларни *бойитишида* бажариладиган кончилик ишларини ҳуқуқий меъёрий талабларга мослигини аниқлаш.

Топширик:

Қазиб олинган фойдали қазилмаларни *бойитишида* Ўзбекистон Республикаси Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб *кончилик ишларини бехаят олиб боришнинг ҳуқуқий нормативини ишлаб*

Назарий муаммоларнинг энг муҳими бу ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларнинг ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни чуқуқлаштиришдир ҳамда ҳукуқнинг мустақил тармоғи доирасида ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш услубини такомиллаштиришдир.

Хар қандай фан, ўз – ўзидан олганда, ёпиқ тафсифга эга бўлган гоя ва тушунчаларнинг концептуал тизимидан иборат. Шунинг билан бирга бизнинг замонимиз янги фан ва фан йўналишларининг пайда бўлиши, ривожланиши ва ташкил топиши балан тафсифланади. Уларнинг пайдо бўлишлиги илмий билимлар даражаси ва услубий татқиқотларнинг ишланганлиги, авваллари бир биридан узок туюлган жамоавий муносабатлар, жараён ва воқеаларнинг фундаментал умумийлиги (бирлигини) кашф этиши билан боғлиқ. Шунинг учун бизнинг фикримизча кончилик ҳуқуқини фан сифатида ўрганишда уни билимнинг бошқа соҳалари билан боғлиқлигини қўрсатиб ўтиш принципиал мухим масала. Бу ер ости бойлигидан фойдаланишдаги муносабатларни тартибга

келтиришда ҳуқуқий мөйөрларнинг илмий асосланганлигини аниқлаш учун катта қийматга эга.

МАВЗУНИ ЎРГАНИШ РЕЖАЛАРИ

1. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг тақдим этилиши.
2. Ер ости бойликларига нисбатан мулк ҳуқуқи.
3. Ер ости бойликларидан фойдаланишга оид битим ва шартномаларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий хусусиятлари.
 - 3.1. Концессия шартномаси, ҳуқуқий белгилари ва унинг хусусиятлари.
 - 3.2. Ер ости бойликларидан фойдаланишга оид битим ва шартномаларнинг таснифи:
 - ижара шартномаси;
 - маҳсулот тақсимотига оид битим.
4. Ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофазалашнинг ҳуқуқий талаблари.
 - 4.1.Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир ҳуқуқий талаблар.
 - 4.2.Фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ва минерал хомашёни қайта ишлашга доир ҳуқуқий талаблар.
 - 4.3.Фойдали қазилма конларини кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий талаблари.
 - 4.4.Кончиликда ишларни бехатар олиб боришни таъминлашнинг қонуний талаблари.
 - 4.5.Ер ости бойликлари жойлашган майдонларда иморат қуришнинг қонуний шартлари.
5. Ер ости бойликларидан фойдаланишнинг ҳақ эвазига амалга оширилиши.
 - 5.1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар, солик ставкалари, солик имтиёзлари.

САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ер ости бойликларига нисбатан мулк ҳуқуқининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
2. Ер ости бойликларига нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш мақсадида ташкил этилган унитар корхонанинг ҳуқуқий мақоми нимада?
4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг турлари ва мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. Ер ости бойликларига нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш асоси нимада?
6. Ер ости бойликларига нисбатан мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларини келтиринг?
7. Концессия шартномаси ҳуқуқий асослари нимадан иборат?
8. Концессиячилик фаолият- соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари нималардан иборат?
9. Ер ости бойликлари участкасидан фойдаланишни ижара шартномаси бўйича тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини изоҳлаб беринг?
10. Ижара шартномаси ва концессия шартномаси ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг?
11. Ер ости бойликларидан фойдаланиш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битимларнинг бошқа шу соҳадаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
12. Ер қаъридан фойдаланишни солиқقا тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
13. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлови, солиқ ставкаси ва солиқ имтиёzlари деганда нимани тушунасиз?
14. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ имтиёzlарининг норматив-ҳуқуқий асослари нималардан иборат ва белгиланиши қай тартибда амалга оширилади?

Мавзу юзасидан тингловчилар билан баҳс-мунозара ўтказилади.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатый қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қиласи. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қўйидаги тартибда иш қўрилади:

Баҳс-мунозара учун танланган мавзу ўқувчи (талаба)ларга олдиндан маълум қилинади

Жараён ўқитувчи (ёки бошловчи) томонидан бошқарилиб борилади

Ўқувчи (талаба)лар индивидуал, гурух (жуфтлик) номидан баҳс юритилаётган масала бўйича шахсий мулоҳазаларни баён қиласи

Баҳсда масаланинг моҳияти, ечими бўйича бир-бирига зид фикрлар илгари сурилади

Ечим бўйича асосий фикрни баён этадиган ўқувчи (талаба)ларга 10 дақика, қўшимча қилиш истагида бўлғанларга эса 5 дақиқадан вакт берилади

Ўқитувчи (бошловчи) томонидан баҳс-мунозара

- Изоҳ:**
- 1) бир таълим олувчига икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди;
 - 2) Бошловчи таълим олувчиларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатый назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.

Баҳс-мунозара учун берилдин саволлар:

1. Кончилик муносабатларини давлат тамонидан тартибга солиниши.

2. Саноат кон назорат агентлиги давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг хусусий холатлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.- Т.11 .-Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида" ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2002. - №1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. NORMA ахборот-хуқуқий тизими. ООО "NORMA-НАМКОР" - 2004.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида" ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2002. - №1.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. NORMA ахборот-хуқуқий тизими. ООО "NORMA-НАМКОР" - 2004.
5. "Ер ости бойликларидан фойдаланишлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома". 2002 йил 14 январдаги 6/2002-10-сон ВМ нинг қарори билан тасдиқланган. NORMA ахборот-хуқуқий тизими. ООО "NORMA-НАМКОР" - 2004.
6. Ҳамроев С.С. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни хуқуқий тартибга солиш муаммолари. - Т.: ТДЮИ, 2003.
10. Сайидқосимов С.С. Кончилик хуқуқи. Маърузалар матнининг тўплами. - Т.; ТошДТУ, 2007
11. Раҳимов В.Р., Сайидқосимов С.С. Кончилик хуқуқи. Ўқув қўлланма(э.в.), Т.:ТошДТУ, 2007

4- Амалий машғулот:

ЕР ҚАЬРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТҮЛОВЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Ишдан мақсад:

Конларни комбинацион усулда қазиб олиш шароитида бажариладиган кончилик ишларини хуқуқий меъёрий талабларга мослигини аниқлаш.

Топширик:


Рудаларни комбинацион усулда қазиб олиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Ер ости бойликлари түғрисидаги қонундан келиб чиқиб кончилик ишларини бехатар олиб боришнинг хуқуқий нормаларини ишлаб чиқинг.

Келтирилган ваколатлар рўйхатидан кўриниб турибдики, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси республика миқиёсидаги ижроия ҳокимияти органи бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ер ости бойликлари жамғармасини бошқариш, ер қаърини геологик ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланишини давлат томонидан тартибга солиш, идоралараро мувофиқлаштириш ҳамда ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни мухофазалашни давлат назоратини олиб бориш ишларини амалга оширап учун Кўмита қошида давлат геологик назорати ташкилоти фаолият кўрсатади ва у “Саноатконназорат” агентлиги билан ҳамкорликда ер қаърини геологик ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни мухофазалаш устидан назарат олиб боради. Шунинг билан бирга кончилик ишларини олиб бориш натижасида ишга туширилган ва улар билан ёнма – ён жойлашган конларга зиён етказмаслик, конларни қазиб олиш жараёнида фойдали қазилма захираси, унинг набуд бўлиши ва сифатсизланишнинг ҳисобини олиб боради.

Вақтінча фойданилмаётган фойдали қазилмалар ва йўл-йўлакай қазиб олинаётган қўшимча фойдали қазилмалар захираси, техноган ҳосилалар ҳам алоҳида ҳисобда туради ва назоратда бўлади.

Амалий машғулотда ҳар бир тингловчига бўш жойларни тўлдириш учун тарқатма материаллар бериш.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш, солиқ ва бошқа тўловларни амалга ошириш схемаси.



Минерал – хомашёни тиклаш учун тўловлар.

Хуқуқий норма республикамизда охирги йилларда қисқариб бораётган геология-разведка ишларини ва минерал хом ашё базасининг тиклаш жадаллиги пасайтиришни олдини олади. Фойдали қазилмани кавлаб чиқариш туфайли ҳисобдан чиқарилаётган захиранинг янгиси ҳисобдан тикланиш даражаси тикланиш коффиценти k билан ифодаланади.

K – маълум бир фойдали қазилма захирасининг бирор –бир муддат ичида кўпайганлик миқдорининг (PQ) шу вақт ичида ҳисобдан (қазиб олинган) чиқарилган ҳажми (D) нисбатига teng.

$K=PQ/D$ K - нинг критик миқдори 2 га teng. K нинг критик миқдоридан пасайиши минеоал хом ашё базасининг камайишига олиб келади ва унинг оқибати ҳар бир давлат учун ёмон бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Республикаизда фаолият кўрсатаётган кончиллик корхоналарида фойдали қазилма захираларининг камайиб бораётганлиги ойдек равшан. Маълумотларга қараганда, дунё амалиётида K нинг қиймати бизга қараганда бирнеча баробар катта, чунки бунинг асосий сабабларидан бири бу кончиллик компанияларининг минерал хомашё базасини эгаллаш борасида курашдаги конкуренция. Маълумки, фойдали қазилма кони учун молиявий қўйилма келажақда яхшигина фойда келтириши муқаррар. Шунинг учун конларни ўзлаштиришининг шартлари ва иқдисодий ахволини ўзгартиришни олдиндан ҳисобга олиб минерал хомашё захирасини ўзига хос “суғурталаш” шаклларини қўллаш зарурати кўзда тутилади.

“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларининг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методdir.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурӯхларга ажратади.
4. Кичик гурӯхлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурӯх тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласди. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини мухокама қиласди, уларни таҳлил қиласди. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гурӯхлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласди ва ўз варианatlарини таклиф этадилар.

Тингловчилар берилган муаммони ўрганиб чиқиб сабаби, оқибатлари ва бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқади ва тақдимот қиласди.

Муаммо	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони бартараф этиш йўллари	Муаммо олиб келадиган оқибатлар
Республикамида фаолият кўрсатаётган кончилик корхоналарида фойдали қазилма захираларининг камайиб бораётганлиги			

Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурӯҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
2. Табиий ресурсларга нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқи нималарда намоён бўлади?
3. Табиий ресурсларга нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқукиниң пайдо бўлиш асоси нимада?
4. Ер қаърини геологик ўрганиш жараёнида экологияга бўлган таъсир қандай ҳуқукий тартибга солинади?
5. Конларни казиб олиш жараёнида содир бўладиган экологик бузилишларни қандай ҳуқукий тартибга солиш мумкин?
6. Минерал хомашёни қайта ишлаш жараёнида содир бўладиган салбий экологик таъсирлар қандай ҳуқукий тартибга солинади?
7. Кончилик саноати чиқиндиларини жойлаштиришнинг ҳуқукий асослари нималардан иборат?
8. Экологик экспертизани ўтказишни ҳуқукий тартибга солиш учун нима қилиш керак?
9. Экологик мониторинг, назорат ва аудит Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунларига таянган ҳолда амалга оширилади?

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида" ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2002. - №1.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида" ги Қонуни. - Т.: Адолат, 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида" ги Қонуни. - Т.: Адолат, 2001.
4. Национальный доклад «О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан». *Ehinot - ENK*, 2006.
5. Певзнер М.Е. Горная экология.- М.: МГГУ, 2003.
6. Холмўминов Ж.Т. Экологическое право (Альбом схем). - Т.: Академия МВД РУз, 2002.
10. Сайидқосимов С.С. Кончилик ҳуқуқи. Маъruzалар матнининг тўплами. - Т.; ТошДТУ, 2007.
11. Раҳимов В.Р., Сайидқосимов С.С. Кончилик ҳуқуқи. Ўқув қўлланма (э.в.), Т.:ТошДТУ, 2007.

V. ГЛОССАРИЙ

АВАРИЯ CRASH БАХТСИЗ ХОДИСА	<p>разрушение сооружений и (или) технических устройств, применяемых на опасном производственном объекте, неконтролируемые взрывы и (или) выброс опасных веществ.</p>	<p>the destruction of constructions and (or) technical devices used at hazardous production facilities, uncontrolled explosion and (or) release of hazardous substances.</p>
АДМИНИСТРАТИВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ADMINISTRATIVE RESPONSIBILITY АДМИНИСТРАТИВ ЖАВОБГАРЛИК	<p>одна из форм юридической ответственности граждан и должностных лиц за совершенное ими административное правонарушение, т. е. посягающее на государственный или общественный порядок, права и свободы граждан, собственность, установленный порядок управления, которая менее сурова, чем уголовная, не влечет судимости и применяется, как правило, органами государственного управления.</p>	<p>one of the forms of legal responsibility of citizens and officials for an administrative offense committed by them, i.e., infringing on state or public order, the rights and freedoms of citizens, property, or the established management procedure, which is less severe than criminal, does not entail a criminal record and is usually applied by state administration bodies.</p>
ВОЗОБНОВЛЯЕМЫЕ ПРИРОДНЫЕ РЕСУРСЫ RENEWABLE NATURAL RESOURCES ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ	<p>природные ресурсы, способные к самовосстановлению в процессе круговорота веществ за сроки, соизмеримые с темпами хозяйственной деятельности человека. Рациональное использование возобновляемых</p>	<p>natural resources that can self-regenerate in the process of substance circulation in a time period commensurate with the pace of human economic activity. Rational use of renewable natural resources should be</p>

	природных ресурсов должно базироваться на принципах сбалансированного расходования и возобновления их, а также предусматривать их расширенное воспроизводство.	based on the principles of balanced expenditure and renewal, as well as provide for their expanded reproduction.
ГОРНОЕ ПРАВО MINING LAW КОНЧИЛИК ҲУҚУҚИ	комплексная отрасль права, представляющая собой систему взаимосвязанных норм, регулирующих общественные отношения: имущественные, земельные, трудовые, финансовые, административные, природоохранные в сфере горнoprомышленной и связанной с нею деятельности.	a complex branch of law, which is a system of interrelated rules governing social relations: property, land, labor, financial, administrative, environmental protection in the field of mining and related activities.
ГОСУДАРСТВЕННАЯ СИСТЕМА ЛИЦЕНЗИРОВАНИЯ STATE LICENSING SYSTEM ДАВЛАТ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТИЗИМИ	единий порядок предоставления лицензий, включающий информационную, научно-аналитическую, экономическую и юридическую подготовку материалов и их оформление.	unified procedure for granting licenses, including information, scientific and analytical, economic and legal preparation of materials and their registration.
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ ЗА РАЦИОНАЛЬНЫМ ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ И ОХРАНОЙ НЕДР STATE CONTROL OVER RATIONAL USE AND PROTECTION OF MINERAL RESOURCES	система мер, позволяющих обеспечить соблюдение всеми пользователями недр на территории и ее континентального шельфа установленного порядка пользования недрами при их геологическом изучении, добывче полезных ископаемых,	a system of measures to ensure that all subsurface users on the territory of the and its continental shelf comply with the established procedure for the use of subsurface resources in their geological study,

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ	использовании и захоронении отходов, строительстве и эксплуатации подземных сооружений, не связанных с добычей полезных ископаемых. Контроль осуществляется органами Государственного геологического контроля и органами Государственного горного надзора во взаимодействии с природоохранными и иными контрольными органами.	mining, use and disposal of waste, construction and operation of underground structures not related to mining. Control is carried out by State geological control bodies and state mining supervision bodies in cooperation with environmental protection and other control bodies.
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ФОНД НЕДР THE STATE FUND OF THE SUBSOIL ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ФОНДИ	используемые и неиспользуемые части недр и ее континентального шельфа.	used and unused subsurface areas of the and its continental shelf.
ДОГОВОР CONTRACT ШАРТНОМА	соглашение двух или нескольких лиц об установлении, изменении или прекращении гражданских прав и обязанностей.	an agreement between two or more persons to establish, change, or terminate civil rights and obligations.
ЗЕМЕЛЬНЫЙ ОТВОД LAND ALLOTMENT КОН АЖРАТМАСИ	- участок земной поверхности, выделенный предприятию (организации) для своих нужд. Для горных предприятий земельные отводы выдаются под здания, сооружения, коммуникации, отвалы, жилые поселки.	- a section of the earth's surface allocated to an enterprise (organization) for its own needs. For mining enterprises, land allotments are issued for buildings, structures, communications, dumps, and residential settlements.

ИНТЕРПРЕТИРОВАННАЯ ГЕОЛОГИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИЯ О НЕДРАХ INTERPRETED GEOLOGICAL INFORMATION ABOUT THE SUBSURFACE ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ХАҚИДА ИЗОҲЛАНГАН ГЕОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР	- результаты обработки первичной геологической информации о недрах, включая геологические отчеты, карты, планы, эскизы	- results of processing primary geological information about the subsurface, including geological reports, maps, plans, and sketches
ИНСТИТУТ ГОРНОГО ПРАВА INSTITUTE OF MINING LAW КОНЧИЛИК ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТИ	совокупность правовых норм, регулирующих самостоятельную часть отношений недропользования.	- a set of legal norms regulating an independent part of the subsoil use relations.
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОТХОДОВ WASTE MANAGEMENT ЧИҚИНДИЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	применение отходов для производства товаров (продукции), выполнения работ, оказания услуг или для получения энергии.	use of waste for the production of goods(products), performance of works, provision of services, or for energy production.
ИСТОЧНИК ГОРНОГО ПРАВА SOURCE OF MINING LAW КОНЧИЛИК ҲУҚУҚИ МАНБАИ	форма закрепления или внешнего выражения правовых норм, регулирующих отношения в сфере недропользования.	form of consolidation or external expression of legal norms regulating relations in the field of subsoil use.
КОМПЕТЕНЦИЯ COMPETENCE КОМПЕТЕНЦИЯ	— совокупность полномочий, прав и обязанностей государственного органа, должностного лица, органа общественной организации или общественной самодеятельности граждан. (Юридический энциклопедический словарь. — М.: Изд-во	- the totality of powers, rights and obligations of a state body, official, public organization or public initiative of citizens. (Legal encyclopedia-Moscow: publishing house "Soviet encyclopedia", 1984).

	«Советская энциклопедия», 1984).	
КОНСЕРВАЦИЯ ГОРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ CONSERVATION OF A MINING ENTERPRISE КОНЧИЛИК КОРХОНАСИНІ ЁПІШ	<p>— временное или постоянное прекращение работ, связанных с добычей полезных ископаемых, с обязательным осуществлением мер по обеспечению возможности приведения основных горных выработок, буровых скважин и сооружений в состояние, пригодное для их эксплуатации в будущем, и обеспечивающее безопасность жизни и здоровья населения, охрану окружающей природной среды, зданий и сооружений.</p>	<p>- temporary or permanent termination of operations related to the extraction of minerals, with mandatory implementation of measures to ensure the possibility of bringing the main mine workings, drilling wells and structures in a state suitable for their operation in the future, and ensuring the safety of life and health of the population, protection of the natural environment, buildings and structures.</p>

VI. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституция. Расмий нашр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун. 2002.
3. Певзнер М.Е. Горное право.- М.: МГГУ, 2002.
4. Рахимов В.Р., Шерфединов Л.З. Горное право (Правовой порядок недропользования). Ташкент: ТГТУ, 2007.
5. Рахимов В.Р., Саййидқосимов С.С. Кончилик ҳуқуқи, ўқув қўлланма (Эл.в.), ТашДТУ, 2007 й.
 1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
 2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
 3. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун
 4. Узбекистон Республикаси жиноий кодекси.
 5. Узбекистон Республикаси солиқ кодекси.
 6. Инструкция о порядке исчисления и уплаты налога за пользование недрами (новая редакция)/Минфин и ГНК Республики Узбекистан №6/2002-10 от 14 марта 2004 г.
 7. Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофазалаш тўғрисида»ги қонуни.
 8. Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаш тўғрисида»ги қонуни.
 9. Ўзбекистон Республикаси «Лицензиялаш тўғрисида»ги қонуни.
 10. Ўзбекистон Республикасининг хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонуни. 1996 йил.
 11. Ўзбекистон Республикаси «Метрология тўғрисида»ги қонуни.
 12. Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуни.
 13. Ўзбекистон Республикаси «Давлат кадастри тўғрисида»ги қонуни.
 14. <http://mggu.ru> – Московский государственный горный университет.
 15. <http://www.rsl> – Российская государственная библиотека.